

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 415.6+454.375

Зокирова Соҳиба Мухторалиевна

«ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИНИНГ КОНТРАСТИВ
СИНТАКСИСИ»

5A220102 – Лингвистика мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар:

Филология фанлари номзоди,
доцент Р.Шукуров

Фарғона – 2011

МУНДАРИЖА

ИШНИНГ УМУМИЙ

ТАВСИФИ.....	3
--------------	---

КИРИШ

1. Мавзунинг ўрганилиши.....	7
2. Контрастив лингвистиканинг тилшуносликда тутган ўрни	11

БИРИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ СЎЗ

БИРИКМАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ

ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Сўз бирикмаларида бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра турлари.....	20
1.2. Сўз бирикмаларнинг алоқа муносабатига кўра турлари	
1.2.1. Бошқарув, Битишув, Мослашувли сўз бирикмалар	24
1.2.2. Изофали сўз бирикмалар	26
1.3. Боб бўйича қисқа хулоса.....	32

ИККИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ СОДДА

ГАПЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Содда гаплар тавсифи.....	33
2.2. Содда гаплар доирасидаги таъсир.....	40
2.3. Боб бўйича қисқа хулоса.....	45

УЧИНЧИ БОБ. ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ ҚЎШМА

ГАПЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Қўшма гаплар тавсифи.....	47
3.2. Боғланган қўшма	51

гаплар.....	
3.3. Эргашган кўшма	
гаплар.....	54
3.4. Боғловчисиз кўшма гаплар.....	72
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	74
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	77
АТАМАЛАР ЛУҒАТИ.....	82

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов инсониятнинг энг юксак бойлиги бўлган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг жамиятдаги тараққиёт ўрни батафсил ёритилган «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавиятни шакллантирувчи омиллардан бири она тилимизга эҳтиром ва унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ҳамда нуфузини кўтариш, юксалтириш эканлигини алоҳида қайд этдилар. Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек: «... ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир».

Президентимиз ушбу асарларида миллат маънавиятини янада юксалтириш учун «биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур»лигини таъкидлаб, бу борада мамлакатимиз филологлари бажаришлари лозим бўлган вазифаларни ҳам белгилаб бердилар. Шу жумладан, маънавиятимизнинг, миллий бойлигимизнинг ажралмас қисми бўлган «ўзбек тилини илмий асосда

ҳар томонлама ривожлантириш» мақсадини кўзлайдиган тадқиқотлар олиб бориш ва амалий ишларни бажариш вазифаси қўйилди.

Маълумки, инсоният тарихида халқлар ўртасида турфа алоқалар мавжуд бўлиб, улар мазкур халқлар тилларида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун муайян бир даврга хос бўлган тил алоқаларининг энг нозик жиҳатларини кузатиш, тавсифлаш, у ёки бу тилдаги ҳодисаларнинг бошқача тус олиши сабаблари ҳақида тўғри ҳукм чиқариш мавзунинг назарий жиҳатдан долзарблигини белгилайди.

Тилларнинг контрастив нуқтаи назардан, яъни ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш жаҳон тилшунослигида назарий-амалий жиҳатдан пухта ўрганилган бўлишига қарамасдан, бу масала ўзбек тилшунослигида эътибордан четда қолмоқда. Хусусан, ўзбек ва тожик тилларининг контрастив синтаксиси масалалари шу пайтга қадар ўз ечимини топгани йўқ.

Республикамизда ўзбек миллати билан муайян бир ҳудудда ёнма-ён ва тўп (компакт) ҳолда яшаётган халқлар тилларининг ўзаро бир-бирига таъсирининг муттасил давом этиши табиий бир ҳолдир. Демак, ўзаро таъсир тўхтаб қолмайди. Бу ҳодисаларни ўрганиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Магистрлик диссертацияси мавзусининг тадқиқ этилиши зарурияти унинг янги йўналишдаги контрастив синтаксиснинг долзарб муаммоларига оидлиги билан изоҳланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва Европа тилшунослигида контрастив лингвистика муаммолари Р.Ладо, Ш.Балли, Э.Косериу, К.Джеймс, И.А.Бодуэн де Куртене, Л.В.Шчерба, А.В.Федоров, В.Н.Ярцева, В.Г.Гак, У.Вайнрайх каби забардаст тилшунослар асарларида ёритилган.

Ўзбек тилшунослигида Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев, У. Турсунов, В.В.Решетов,

М.М.Мирзаев, К.Ю.Осупов, Б.Бафоев, Н.Ғуломова, Ҳ.Ғуломов, М.Зокировларнинг тадқиқотларида тил алоқалари, хусусан, синтаксисдаги алоқаларга оид аҳамиятга молик фикрлар бор, аммо мазкур ишларда бу ҳақда батафсил фикр юритилган эмас.

Ушбу магистрлик диссертацияси ўзбек-тожик тиллари ўзаро алоқаларининг таъсири, бу таъсир натижасида икки тилнинг синтактик сатҳида юз берган баъзи ўзгаришларни тадқиқ этишга бағишланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади, даставвал, ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ҳар иккала тилнинг синтактик сатҳларидаги даражасини аниқлашга қаратилган.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқот предмети ўзбек ва тожик тиллари мисолида тилларнинг ўзаро синтактик таъсири, унинг даражасини белгилаб, беришдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги. Ушбу тадқиқотда ўзбек тилшунослигида илк маротаба турли системага мансуб бўлган тилларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ва бир-бирига таъсири синтаксис сатҳида атрофлича тадқиқ этилди.

Тадқиқ манбаи. Магистрлик диссертацияси учун ашёвий далиллар сифатида илмий рисоалар, Фарғона вилояти Риштон тумани ҳудудидаги ўзбек ва тожик тилларининг сўзлашув услубига хос материаллар, шунингдек, икки тилда ижод қилган ёзувчилар асарлари манба бўлиб хизмат қилди.

Ишнинг назарий асоси ва тадқиқ методлари. В.Н. Ярцева, И.П.Сусов, А.Д.Швейцер, В.Г.Гак, У.Вайнрайх, В.Ю.Розенцвейг, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев каби йирик тилшуносларнинг асарлари мазкур тадқиқотнинг юзага келишида назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Ишда умумназарий метод сифатида қиёслаш, чоғиштириш, зидлаш, трансформацион, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни 4 журнал мақоласи ва республика миқёсида нашр этилган илмий тўпламлардаги 20 тезисда акс этган.

Ишнинг тузилиши ва умумий ҳажми. Ушбу тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва атамалар луғатидан иборат. Ишнинг ҳажми 86 саҳифани ташкил этади.

КИРИШ

Мавзунинг ўрганилиши

Бугунги кунда Республикамизда тил алоқалари масалалари давлат аҳамиятига эга бўлган жиддий ижтимоий муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида жаҳон сиёсий ҳамда иқтисодий майдонидаги ўрни, замонавий илм-фан, техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, электрон почта, уяли алоқа воситалари, интернет тармоқларининг ҳаётимизга кириб келганлиги ўзбек халқининг бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқага киришуви тил алоқаларининг жадаллашувига имконият яратмоқда. В.Ю.Розенцвейг таъкидлаганидек, «... қиёсий-тарихий тадқиқотлар муносабати билан тилшунослар эътиборини ўзига жалб қилган тил алоқалари бугунги кунда нафақат лингвистиканинг соф назарий масаласи, балки жамият ва давлат даражасидаги сиёсий масалалардан бирига айланди, Осиё ва Африканинг кўп давлатлари учун эса ҳозирги кунда барчани қизиқтирадиган асосий масала бўлиб қолди.»¹

Халқаро муносабатларнинг интенсивлашуви тил алоқаларининг янада жадаллашувига олиб келиши табиий ҳол. Мазкур жараён тўхтовсиз содир бўлиб боради, ҳеч қандай чегара, чекловларни тан олмайди, чунки у жамият эҳтиёжлари ривожланишининг объектив қонунларига асосланади. Юқоридаги факторлар турли тилларда ҳар хил шакл ва даражада содир бўлади. Тил контактларининг қамров доираси жамиятнинг ривожланиш ва мулоқот суръатига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ўзбек тилининг қариндош ва ноқариндош тиллар билан мавжуд контактларини тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослари олдида турган энг муҳим долзарб муаммолардан биридир. Ўзбек тилшунослигида тил алоқалари, уларнинг бир - бирига таъсирига бағишланган махсус назарий

ишлар яратилган бўлсада, уларда синтактик сатҳдаги ўзаро таъсир эътибордан четда қолган. Ушбу ишда ана шу бўшлиқни бир оз тўлдириш, яъни тил алоқаларининг синтактик сатҳдаги таъсири борасида фикр юритиш мақсад қилиб қўйилган.

Туркологияда ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқалари ва таъсири масалаларига М.Ставроули, Е.Д.Поливанов, В.В.Решетов, А.К.Боровков ва бир қатор тилшунослар умумий тарзда қисқача муносабат билдирганлар.

Е.Д.Поливанов бу масалани ўзбек шеваларига тожик тилининг таъсири нуқтаи назаридан ёндашган бўлса, М.Ставроули ўзбек тилининг тожик шеваларига кўрсатган таъсирини тавсифлайди. А.К.Боровков тиллар ривожланиши ички имкониятлар асосида юз беришини таъкидлаш билан чегараланади. Тилларда юз берган ўзгаришларни уларнинг ички тараққиёти билан боғлайди.

Ўзбек тилшунослигида мазкур масаланинг қўйилиши, ёритилиши, ўрганиш доираси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, ғарб ва рус тилшунослигида масаланинг назарий жиҳатдан ёритилиш, ўрганиш даражаси кенг қамровли бўлса, ўзбек тилшунослигида мазкур масала очиқ қолган. Ўзбек тилшунослигида асосан тил контактларига эътибор берилган.

К.Юсупов «Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири» мавзусига бағишланган монографиясида Фарғона шаҳри атрофида яшовчи тожиклар тилини ўзбек тилига қиёслаган, шунингдек, ишда тилларнинг ўзаро таъсири ва унинг даражасини тавсифлашга эътибор берилган. Мазкур иш, асосан, ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабатини уларнинг тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишга қаратилган. Фарғона, Қувасой, Тошлоқ туманларида яшовчи тожик аҳолисининг тили ҳудудий нуқтаи назардан тадқиқот объекти сифатида олинган. Ишнинг кириш қисмида Г.Шухардт,

Л.В.Шчерба, В.Богородицкий, Н.К.Дмитриев, Н.В.Юшманов, Ю.Д.Дешериев, Е.И.Убрятоваларнинг тил алоқалари назарияси билан боғлиқ қарашларига ўз муносабатини билдирган. Шунингдек, “ўзбек” ва “тожик” этнонимларининг этимологик таҳлили берилган. Мазкур ишда «адабиётдаги иккитиллилик», «поэзиядаги иккитиллилик», «проза асарларидаги иккитиллилик» масалаларига бағишланган тадқиқот материаллари ва уларнинг таҳлили соф адабиётшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида қаралган. Китобда синтактик таъсирга ҳам тўхталинган, бироқ ҳар иккала тилда мисолларни бериш билан чекланилган. Уларнинг таҳлили эътибордан четда қолган.

Ҳ.Ғуломовнинг «Ўзбек-тожик тил алоқалари» номли монографиясида ўзбек ва тожик тиллари учун умумий бўлган лексик қатламнинг баъзи жиҳатлари ёритилган.

К.Раҳмонбердиевнинг «Ўзбек тили контактлари» номли иши тил алоқалари, уларнинг тарихи, тил сиёсати, ўзбек тилининг тожик тилига, рус тилининг ўзбек тилига таъсири масалаларига бағишланган. Ушбу ишда кўйилган масалалар атрофлича, батафсил тавсифланган. Мавзуга оид кўп адабиётлар кўриб чиқилган. Ишда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас: муаллиф тилларнинг бир-бирига таъсири, даставвал, лексика ва сўнгра синтаксис соҳасида бўлади, тилларнинг морфологик таъсири, айниқса фонетик таъсири кучсиздир деб ёзади. Бироқ асарда синтактик таъсирга умуман тўхталиб ўтилмаган.

Тожикистон ҳамда Афғонистон республикаларидаги ўзбек шеваларини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотларда мазкур шевалар ўзбек адабий тилининг турли сатҳлари (фонетик, лексик, грамматик) бўйича қиёсланган. Лекин Тожикистон ва Афғонистондаги ўзбек шеваларига бағишланган бу ишларда уларнинг маҳаллий тил ва шевалари билан ўзаро алоқаси, таъсири борасида ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Ваҳоланки,

бугунги кунда мазкур шевалар ўзбек адабий тили билан алоқаларини деярли йўқотиб, маҳаллий эроний тилларнинг кучли таъсирига учраган. Юқоридаги ишларда маҳаллий тил ҳисобланган эроний тилларнинг ўзбек шеваларига таъсири тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Бизнингча, бир ижтимоий муҳитда яшаётган ўзбек шевалари ва эроний тилларнинг ўзаро алоқаси батафсил таҳлил қилиниши зарур. Буларнинг тилшунослар этиборидан четда қолиши тўғри назарий хулосалар чиқариш учун хатога йўл қўйишга сабаб бўлади.

Контрастив лингвистиканинг тилшуносликда тутган ўрни

Контрастив лингвистика (бошқача қилиб айтганда чоғиштира тилшунослик ёки конфронтатив тилшунослик)ни мультилингвистик фанлар таркибига киргизиш мумкин. Бу таркибга қиёсий-тарихий, ареал ва типологик тилшунослик ҳам киради. Лекин контрастив лингвистиканинг булардан бир қанча фарқли жиҳатлари бор.

Бошқа мултилингвистик фанларнинг ўрганиш объектига кирувчи кўплаб тиллар, тил оилалари, тилларнинг умумий ареаллари, уларнинг типлари – буларнинг барчаси борлиқнинг ўзида берилади. Контрастив лингвистикада чоғиштириладиган икки ёки уч тил, амалий характердаги вазифаларни ечимини топиш нуктаи назаридан танланади. Одатда тилни, хорижий тилни ўргатиш, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш заруратидан келиб чиқади. Контрастив лингвистикада мазкур тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилади.

Қиёсий-тарихий тилшунослик, ареал тилшунослик ҳамда типологик тилшунослик ўз олдига тилларни таснифлаш масаласини қўйса, контрастив лингвистикада бундай мақсад кўзланмайди. Қиёсий-тарихий, ареал ва типологик тилшуносликда тилларни яқинлаштириб турадиган ҳодисалар, уларнинг генетик қариндошлигини исботлайдиган далиллар, структур ўхшашликлар қизиқтирса, контрастив лингвистикани тилларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари, тил интерференциясига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар қизиқтиради.

Контрастив лингвистикада тиллар диахрон аспектда эмас, асосан синхрон аспектда ўрганилади.

Контрастив лингвистика алоҳида йўналиш сифатида XX асрнинг ўрталарида шаклланди. У ҳақида 1960 йиллардан бошлаб инглиззабон мамлакатларда кўп ёза бошлашди. Одатда, контрастив лингвистиканинг шаклланишини Р. Ладонинг “Linguistics across cultures” (Тилшунослик маданиятлар орақасида)(1957) китоби билан боғлашади. Лекин икки тилни қиёслаб ўрганиш тўлиқ ва систем ҳолатда бўлмасда анчагина олдин бошланган.

Бобилда шумер ва аккад тиллари лексик чоғиштирилган. Хетт ва бошқа тиллар хетт таржимонлари томонидан чоғиштириб ўрганилган. Панини

Ўзининг “Аштадхьяи” асарида веда тили билан санскрит ҳамда пракрит тилларини чоғиштирган. Бу борада буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ўрни бекиёсдир. У ўзининг 1499-йили ёзилган “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида форс-тожик ва туркий тилларни ўзаро чоғиштиради. Бу чоғиштириш бошқаларникига нисбатан тўлиқ бўлган.

Контрастив лингвистиканинг шаклланишига Р.Ладо, Ш.Балли, В.Скаличка, Э.Косериу, Р.Ж.Ди Пьетро, И.А.Фергюсон, Г.Киккель, Р.Штеркеманн, К.Джеймс, Дж.К.Кэтфорд, Г.В.Кёрк ва бошқаларнинг ҳиссалари катта. Бу тилшунослар ўз асарлари билан контрастив лингвистикани шакллантирганлар. Рус тилшунослигида эса И.А.Бодуэн де Куртенэ, Л.В.Щерба, Е.Д.Поливанов, С.И.Бериштейн, А.В.Фёдоров, А.И.Смирницкий, В.Д.Аракин, В.Н.Ярцева, В.Г.Гак, А.И.Фефилов ва бошқалар ўз ишларида контрастив лингвистикага алоқадор бўлган қимматли фикрларини билдирганлар.

Контрастив лингвистика чет тилини ўқитиш жараёнида юзага келган бўлиб, у билан чамбарчас боғлиқ. У тил ўқитиш методикаси назариясининг асосланишини ривожлантиради. К. Джеймснинг фикрига кўра таржима назарияси, нутқ маданияти ва аниқ анализ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ўзлари учун умумийроқ бўлган бир бутуннинг уч бўлагига ўхшашади.

Методист ва лингвопедагог назариячиларнинг чет тилини ўқитишда контрастив анализнинг ўрни ҳақида бирон-бир умумий фикрлари йўқ. Баъзилар чет тилларини ўқитишда унинг ўрни бекиёс, у интерференциянинг олдини олади дейишса, бошқалар бу фикр жудаям ошириб юборилган деб ҳисоблашади.

Бу борада Д.Болинжер Ди Пьетронинг “Тил структуралари ва уларнинг контрастивлиги” китобининг муқаддимасида ўзининг бир қанча фикрларини

бериб ўтади. Унинг ёзишича, контрастив лингвистика дарс бериш малакаси жараёнида юзага келган. Ҳар бир чет тилини ўрганувчи тил ўрганиш вақтида она тили унга ҳалақит бераётганлигини ҳис қилади. Бу муаммони ҳамма ҳам осонликча енгиб ўтолмайди. Контрастив лингвистика назария ва амалиёт кесишган жойдир. Ўрганилаётган тил ва она тили формал жиҳатдан бир хил бўлса, улар мос тушса ўрганиш осон бўлади. Агар улар бир-бирига ўхшамаса ўрганиш жараёни тормозланади. Я.И.Рицкер эса контрастив лингвистикани таржима назариясининг лингвистик асоси деб атайди.

Контрастив лингвистика ўз олдига тилнинг барча бўлимларини тўлиғича солиштиришни мақсад қилиб қўяди.

Чоғиштирилаётган тиллардан бири эталон вазифасини бажаради. Бу тил одатда она тили ҳисобланади. Ўрганилаётган чет тили она тили билан чоғиштирилиб уларнинг асосан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари топилади. Баъзи бир ҳолларда учинчи тилни ҳам қўшиш мумкин. Бунда тилларнинг ҳар бирида эталон тил билан бир хил бўлган ҳолатлар қайд этиб ўтилади.

Уч ёки ундан ортиқ бўлган тилларни чоғиштириш анчагина мураккаб ҳолат ҳисобланади. Масалан, бошқирд мактабида инглиз тили ўрганилса, бошқирд, инглиз ва рус тилларини чоғиштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фонологик сатҳдаги фарқланишлар диафон ҳодисасидир. Морфологик сатҳдаги фарқланишлар диаморф ҳодисасига таалукли. Синтактик фарқланишлар диатаксия ҳодисаси ҳисобланса, диасемия (семантик фарқланиш) ҳамда диалексия – лексик номутаносибликдир.

Контрастив лингвистиканинг ўрганиш методлари турли хил бўлишига қарамай, кўп ҳолатларда анъанавий тилшунослик методларига мурожаат қилинса ҳам, шу билан бирга структур тилшунослик методларидан ҳам фойдаланилади.

Синтактик тадқиқотларда трансформацион яратувчи грамматика ғояларига, келишик грамматикаси, структуранинг ички ва ташқилигига, семантик роллар структуранинг пропозиционлиги ва актуаллаштирилган структуранинг ҳар хил турлари (ғоялари)га асосланган моделлар қўлланади.

Бизнинг олдимизда турган муаммолардан бири контрастив лингвистиканинг бошқа тилшунослик бўлимлари ичида тутган ўрнини белгилашдир.

Қиёслаш тилларни ўрганишнинг энг муҳим методларидан бири ҳисобланади. Тилшуносликда қиёслаш орқали ўрганиладиган ўзининг мақсади ва объектига кўра фарқланадиган 3 тури бор; қиёсий-тарихий тилшунослик – тилларнинг генетик бирлигини ва уларнинг ривожини ўрганади; ареал тилшунослик – тилларнинг 2-даражали қариндошлигини, тил иттифоқларини, генетик бир хиллигидан қатъи назар тиллардаги ўхшашликни ўрганади; контрастив ва типологик тилшунослик – тилларнинг қариндошлигидан қатъи назар уларнинг фарқли ва умумий жиҳатларини ўрганади.

Контрастив лингвистика типологик лингвистикадан ажралиб чиққанлиги учун унга жуда яқин.

В.Скаличка типологик лингвистика ва контрастив лингвистиканинг фарқларини қуйидагича кўрсатади.

- типология тил системасининг алоҳида қисмларини кўплаб тилларни қиёслаш орқали ўрганади.

- контрастив лингвистика эса фақатгина икки тилни тил системасининг барча элементларини қиёслаш орқали ўрганади.

Типологик ҳамда чоғиштира тилшуносликнинг ривожланиши натижасида бу фараз тўғри эмаслиги исботланди. Чоғиштира тилшуносликнинг предмети тилнинг алоҳида қисми бўлиши ва бу бир неча

тилларни қиёслаш орқали ҳам ўрганилиши мумкин. Типологик изланишларда ҳам тилнинг катта бўлимларини ёки тил структураларини ҳам тўлиғича эгаллаб ўрганиши мумкин.

Лингвистик типологиянинг вазифаси тил типини (ҳам турли тиллардаги у ёки бу элементнинг мавжудлиги типлари, ҳам умуман тил типлари сифатида) аниқлаш ва кейинчалик тилларни таснифлаш ҳамда инсон тили қандай тузилган бўлишини муайянлаштиришдир. Чоғиштира тилшуносликнинг вазифаси анча камтар бўлиб, у икки ёки бир нечта тилларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш мақсадида, уларни қиёслайди.

Б.Потъенинг мақоласида берилишича типологиянинг вазифаси 3 босқичдан иборат: типологик чизикни топиш, шу берилган чизикни изоҳлаш, тилларнинг таснифи, аниқроғи, тилнинг бошқа тиллар ичидаги ўрнини мана шу чизик бўйича таснифидан топиш.

Баъзи бир олимларнинг фикрича типология – абстракт, контрастив – конкрет.

Контрастив лингвистика типология учун материал йиғиб беради, типология эса контрастив лингвистика йиққан материалнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илм-фан нуқтаи назаридан далиллаб, тушунтириб беради.

Контрастив лингвистика - характерология. Айнан чоғиштира тилшуносликдан унинг фарқи аниқ эмас. Ваҳоланки Прага тилшунослик мактаби вакиллари айнан шу масалани ишлаб чиқишган. Лекин прагаликлар характерологияни чоғиштира тилшуносликка эмас, типологияга қарама-қарши қўйишган. Агар фаннинг охирги икки соҳасининг фарқларига эътибор қаратилса, характерологиянинг хусусияти, Матезиус таъкидлаганидек, қуйидагидан иборат. У маълум бир вақтда маълум бир

тилнинг муҳим хусусиятлари ўртасидаги имплектив мувофиқликларини муайянлаштириш мақсадида, уларни ўрганади. Масалан, Матезиус инглиз тилини чех тили билан қиёслаганда синтактик эганинг мавзуйлиги инглиз тилига хослигини кўрсатади. Матезиус мазкур ҳолат билан инглиз тилининг қуйидаги хусусиятларини боғлайди: пассив конструкцияларнинг фаоллиги, сифат иштирок этган махсус абаротларнинг қўлланилиши, инглиз феълида ҳаракат ғоясининг заифлиги, шу муносабат билан от ва феълдан иборат конструкцияларнинг кенг қўлланилиши, унда ҳаракат лексик от орқали ифодаланиши, морфологик аспектда от ва феъл ўртасида чегара йўқолиши (славян тилларида у аниқ кўрсатилади), натижада от феълга ва феъл отга осон ўтиши. Мазкур жараёнларда француз тили инглиз тилига эргашса, рус тили чех тилига яқинлашади. Шундай қилиб тилнинг бир қатор турли, лекин муҳим ҳодисалари бир хусусият билан боғланади.

Худди шундай ҳолат Ш.Баллининг “Умумий тилшунослик ва француз тилининг саволлари” китобида берилган. Бунда француз тили немис тили билан солиштирилган.

Контрастив лингвистиканинг умумий масалалари қуйидагилардан иборат:

- турли тиллардаги умумийлик ва хусусийликни кўрсатиш;
- тилни фақатгина ички ўрганишга нисбатан бошқа тиллар билан солиштирилганда эътибордан четда қолиши мумкин бўлган ҳолатлари яхшироқ ўрганиш;
- чет тили фанларини ўргатишни осонлаштириб, интерференция ҳодисасини олдини олиш;
- таржима назарияси учун яхши лингвистик база тайёрлаш;
- типология учун материал йиғиб, универсалияларни кашф қилиш;

Контрастив лингвистика нафақат тилшуносликнинг бошқа бўлимлари билан, балки тилшуносликка умуман алоқаси бўлмаган бошқа соҳалар билан ҳам боғлиқдир. Бу соҳаларга психология, этнопсихология ва маданият тарихини киргизиш мумкин.

Контрастив лингвистиканинг ютуқлари психология фанини баъзи-бир ўринларда ўзгача ёритади. Бунинг асосий сабаби, инсониятнинг кўп асрлик диққат эътибор тенденцияси турли тиллар семантикасида бир хил акс этмаслигидадир. Психология ҳам иккинчи тилга ўқитиш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам контрастив лингвистика психология билан бевосита бирлашади.

У.Немзер ва К.Джеймс контрастив лингвистикани этнопсихология ва маданият тарихи билан ҳам боғлашади. Ладо эса контрастив лингвистиканинг маданият билан яқинлигини таъкидлаб ўтади. Маданият бирликларини ҳам тил бирликлари сингари уч босқичда: шакл, маъно, дистрибуция (коннотацияни ҳисобга олган ҳолда) қиёслаш мумкин.

Фергюсоннинг мақоласида ҳам контрастив лингвистиканинг алоҳида аспектига тўхталиб ўтилган. Маълумки, лингвистика ички ва ташқиға ажратилади. Матн анализи ҳам, маданият билан боғлиқ аспект ҳам ички лингвистикаға, айнан, тил шакллариининг системеддаги ўрни ва унинг намоён бўлишиға тегишли. Лекин тилларни қўлланиш сфераси типологияси асосида, ташқи планда яъни социолингвистикада ҳам қиёслаш мумкин ва бу тилшунослик учун зарурий ҳолат ҳисобланади. Фергюсон бундай типология ҳали мавжуд эмас деганда, хатоға йўл қўяди. Кўплаб тилшунослар ўз изланишлари давомида тилнинг жамиятдаги функцияси бўйича турли типологик жадвалларни таклиф қилишган. Бу аспектда чоғиштира тилшунослик ҳали у қадар ривожланмаганлиги эса тўғридир.

Ҳозирги вақтда контрастив лингвистика ўзининг мақсади, объекти ва анализ методлари аниқ бўлган фан сифатида шаклланиб бўлди. Шубҳасиз, унинг турли аспекти ҳақидаги муҳокамалар кейинчалик ҳам давом этаверади. Бундай баҳслар фаннинг камчилигидан эмас, балки унинг ҳаётийлигидан дарак беради.

Агар олдинлари контрастив таҳлил тил системасининг асосий фактлари билан шуғулланган бўлса, эндиликда у кўпроқ матнга, нутқ актларига мурожаат қилмоқда. Бу замонавий тилшуносликнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. У ўз доирасига тилшуносликнинг турли аспектиларини: этнолингвистика, социolingвистика, психolingвистика, лингвистик семиотика ва б.ларни ҳамда бу аспектлар қизиқтирган масалаларни тортади.

Шу билан бирга контрастив лингвистика типология, лингвопедагогика, таржима назарияси, матн назарияси, лексикография учун кўп ва қимматли бўлган маълумотларни етказиб беради.

Контрастив лингвистика ўзини фундаментал тилшунослик ҳамда тилшуносликнинг амалий аспектиларини боғлайдиган энг ёрқин ва самарали алоқа шакллариининг бири сифатида намоён қилади. Контрастив лингвистиканинг аҳамияти турли мамлакатларда, айниқса чет тилларини ўқитиш соҳасида унга бўлган қизиқишнинг кучайиши таъкидланмоқда.

Айрим мамлакатларда (масалан, Болгарияда) чоғиштира тилшуносликка бағишланган журналлар чоп этилаётган бўлса, бошқа мамлакатларда олий ўқув юртларида она тили ва иккинчи тилни қиёслаш бўйича махсус курслар киритилмоқда. баъзи бир мамлакатларда тиллар жуфтлигини турли сатхларда қиёслаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Кўп сонли илмий тўпламлар, монографияларнинг нашр этилиши, халқаро ва миллий анжуманларнинг ўтказилиши, буларнинг барчаси лингвистиканинг бу соҳасига ортаётган қизиқишдан далолат беради.

БИРИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

1.1.Сўз бирикмаларида бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра турлари

Синтактик сатҳ хусусиятларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, мазкур сатҳда ўзаро таъсир деярли мумкин эмасдек. Чунки дунё тилларининг бир оиласига мансуб тилларда сўз бирикмалари, гап типлари, содда ва қўшма гаплар асосан бир моделда, бир қолипда эканлиги маълум. Қариндош тилларда сўзларнинг бирикиши, гап типларида асосан ўхшаш томонлар бўлиши билан бирга, қисман ноўхшаш томонлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо қардош бўлмаган тил оиласига мансуб тилларда синтактик сатҳда, асосан, ноўхшаш томонлар кўп учрайди.

Ўзбек ва тожик тилларининг синтактик қурилиши шуни кўрсатадики, асрлар давомида бу тилларнинг гап қурилмасида ўзаро таъсир бўлгани сезилади. Натижада бу тилларнинг синтактик сатҳида ўхшаш томонлар кўп учрайди.

Ўзаро грамматик ва мазмуний жиҳатдан боғланиб, объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг номини билдирувчи синтактик бирлик сўз бирикмаси саналади. Сўз бирикмаси ҳоким сўз ва тобе сўздан тузилади. Тобе сўз ҳоким сўзни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади.

Ўзбек тилида сўз бирикмаси ҳоким сўзнинг қайси туркумга оид сўз билан ифодаланишига қараб, икки гуруҳга бўлинади: отли сўз бирикмаси, феълли сўз бирикмаси.

Тожик тилида эса сўз бирикмаси ҳоким сўзнинг қайси туркумга оид сўз билан ифодаланишига қараб, олти гуруҳга бўлинади:

1.Ибораҳои исми: (отли сўз бирикмалар)

<i>гули бодом</i>	<i>бодом гули</i>
<i>дафтари Ҳаким</i>	<i>Ҳакимнинг дафтари</i>
<i>чор одам</i>	<i>тўрт одам</i>
<i>хонаи мо</i>	<i>бизнинг уй</i>
<i>орзуи хондан</i>	<i>ўқиш орзуси</i>

Мисол: Хурсандии мо ҳадду канор надошт (П. Сулаймони).

Бизнинг хурсанлигимиз чек-чегарасиз эди.

Бобо гашти рӯз ба ҳавли омад (Раҳим Ч,алил)

Бобо кун ботиш пайтида ҳовлига қайтди.

2.Ибораҳои сифати: (сифатли сўз бирикмалар)

<i>боми аз ҳама баланд</i>	<i>ҳамадан баланд том</i>
<i>зардолуи чун асал ширин</i>	<i>асалдек ширин ўрик</i>

Изоҳ: одатда, сифатли сўз бирикмалар отли сўз бирикмалар таркибида келади. Чунки сифат отсиз мавжуд бўлмайди.

Мисол: *Меваҳои чун асал ширини боғи моро нахўрдаед?* (Раҳим Ч,алил)

Бизнинг боғимиздаги асалдек ширин мевалардан емадингизми?

3.Ибораҳои шумораги: (сонли сўз бирикмалар)

<i>ҳафтуми ноябрь</i>	<i>етинчи ноябрь</i>
<i>панч, нафар аз ҳунармандҳо</i>	<i>беш нафар ҳунармандлар</i>

Мисол: *Ман якуми январь ба шаҳр меравам.*

Мен биринчи январ куни шаҳарга бораман.

4.Ибораҳои ҷ,онишини: (олмошли сўз бирикмалар)

<i>мани нодон</i>	<i>нодон мен</i>
<i>кадоми шумо</i>	<i>сизлардан қайси бирингиз</i>

Мисол: Кадоми шумо ба саволҳои ман ҷ,авоб медиҳид?

Қайси бирингиз менинг саволларимга жавоб берасиз?

5.Ибораҳои феъли: (феълли сўз бирикмалар)

а) Ибораҳои масдари: (ҳаракат номли сўз бирикмалари)

аз мактаб омадан мактабдан келмоқ
бо падар омадан ота билан келмоқ
ба стадион рафтан стадионга бормоқ

Мисол: Аз шутур пурсидаанд:

- Ба баланди баромадан осонтар аст ё аз баланди фаромадан?

Туядан сўрашди:

- Баландликка чиқмоқ осонроқми ёки баландликдан тушмоқми?

б) Ибораҳои сифати феъли: (сифатдошли сўз бирикмалари)

одами дируз омадаги кеча келган одам
тири аз камон ч,аста камондан отилган ўқ

Изоҳ: Сифатдошли сўз бирикмалари отли сўз бирикмалари таркибида келади.

Мисол: Мўйсафеди шумо дидаги Фозил бобо будаанд. (Раҳим Ч,алил)

Сиз кўрган мўйсафед Фозил бобо эди.

в) Ибораҳои феъли ҳоли: (равишдошли сўз бирикмалар)

бо дигарон гапзанон бошқалар билан сўзлаша

Мисол: Бо Юлиус Фучик сўхбаткунон дар ў нисбат ба худам ҳисси бародарии ҳақиқи мушоҳида намудам. (А. Лоҳути)

Юлиус Фучик билан суҳбатлашаётганимда, унда ўзимга нисбатан ҳақиқий биродарларча ҳис-туйғу борлигини сездим.

6.Ибораҳои зарфи: (равишли сўз бирикмалар)

ду бор зиёд икки карра кўп
андаке сустртар бироз сустроқ
ниҳоят бевақт жудаям кеч

Ўзбек тилидаги отли сўз бирикмасида ҳоким сўз от ва отлашган сўзлар билан ифодаланади: *Шаҳарнинг кўчалари, ҳаммасидан катта, чумчуқнинг чуғур-чуғури, ўқувчиларнинг бештаси, беқиёс ўлка, катта қишлоқ.*

Ўзбек тилидаги феълли сўз бирикмасида ҳоким сўз феъл билан ифодаланади: *китобни ўқимоқ, дафтарга ёзмоқ, тез югурмоқ, оҳиста гапирмоқ, таъсирли сўзламоқ, завқ билан ўқимоқ.*

1.2. Сўз бирикмаларнинг алоқа муносабатига кўра турлари.

1.2.1. Бошқарув, битишув, мослашувли сўз бирикмалар

Ўзбек ва тожик тилларида сўз бирикмалари тенг ва тобе алоқага киришади. Тенг алоқага киришган сўз бирикмалари ҳар икки тилда ҳам бир хил бўлиб, бирикмадаги компонентлар тенг ҳуқуқли бўлиб, бир-бири билан боғланади. Ўзбек тилида: *Она билан бола – гул билан лола.*

Тожик тилида: *Ч,ўра меҳонад ва менависад.*

Тобе алоқали сўз бирикмаларидаги сўзлар ҳоким ва тобе қисмга ажратилади. Тобе сўзлар ҳоким сўзларни аниқлайди, тўлдиради ва уларни изоҳлайди.

Ўзбек тилидаги сўз бирикмалари таркибидаги тобе қисмнинг ҳоким қисмга сўз тартиби ва оҳанг ёрдами билан боғланиши битишув саналади: *катта хона, чиройли гул, йигирма саккизта талаба, сайроқи булбул, олов йигит, шайтон қиз, иссиқ овқат.*

Ҳоким қисм талаби билан тобе қисмнинг маълум шаклда келиши бошқарув ҳисобланади. Масалан, тобе вазиятдаги **сен** сўзи ҳоким вазиятдаги **олдим** сўзи талаби билан жўналиш келишиги ёки ёрдамчи сўз билан боғланади: *1) сенга олдим; 2) сен учун олдим.* Бошқарувда тобе сўз ҳоким сўзга тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчалари ёки кўмакчилар ёрдамида боғланади: дўстларни ҳурмат қилмоқ, ғалаба учун курашмоқ, ёшларга ғамхўрлик қилмоқ, шароитга кўра ёндашмоқ.

Тобе сўзнинг ҳоким сўзга қаратқич келишиги қўшимчаси ёрдамида, ҳоким сўзнинг эса тобе сўзга эгалик қўшимчалари ёрдамида боғланиши мослашув дейилади: *китобнинг муқоваси, уйларнинг каттароғи, бизнинг синфимиз, сизнинг чиройингиз, боғбоннинг боғи.*

Тожик тилида тобе ва ҳоким сўзнинг боғланишига кўра қуйидаги алоқа турлари мавжуд:

Алоқани мувофиқат (мослашув). Кесимнинг эга билан шахс-сонда мувофиқлашуви, бундай алоқа гапга хосдир.

Ман омадам. *мен келдим.*

Мо омадем. *биз келдик.*

Алоқани ҳамроҳи (битишув). Бундай алоқада ҳоким тобе сўз билан ёнма-ён келади. Бу алоқа фақат гапда сўзлар тартиби ва интонация орқали ифодаланади.

Нор хуб меҳонад. *Нор яхши ўқийди.*

Хуб хондан *яхши ўқимоқ*

Самолёт тез парвоз қард. *Самолёт тез учди.*

Тез парвоз қардан *тез учмоқ*

Алоқани вобастаги (бошқарув). Бунда ҳоким сўз (одатда кесим) тобе сўзнинг тўлдирувчи ёки ҳол бўлиб келишини талаб қилади.

Китобро хондан *китобни ўқимоқ*

Китоб харидан *китоб сотиб олмоқ*

Дар мактаб қор қардан *мактабда ишламоқ*

Ба Зафар гуфтан *Зафарга айтмоқ*

Бу алоқада ҳаракатнинг предметга бўлган муносабати ифодаланади. Ҳаракатни ҳоким сўз, предметни кўпроқ кўмакчилар билан келган тобе сўз ифодалайди.

Ба муаллим гуфтан *ўқитувчига айтмоқ*

Аз муаллим пурсидан *ўқитувчидан сўрамоқ*

1.2.2.Изофали сўз бирикмалар

Алоқани изофа (изофий алоқа). Бундай алоқада бир сўз иккинчи сўз билан изофа кўрсаткичи воситасида боғланади.

Тожик тилига хос сўз бирикмаларида тобе алоқани ифодалаш учун мослашув, битишув, бошқарув билан бир қаторда изофий бирикмалар ҳам кенг қўлланади. *Изофа* арабча *қўишии* маъносини билдириб, аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги муносабатни ифодаловчи грамматик воситадир. Бунда «и» морфемаси орқали изофий конструкция ҳосил бўлади.

Тожик тилида изофий конструкцияларнинг икки тури учрайди:

1. Сифатловчи аниқловчилар ўзбек тилидаги каби предметнинг белгисини сифатлаш йўли билан аниқлайди. Аммо сифатловчи билан сифатланмишдаги тартиб бир хил эмас. Ўзбек тилидаги сифатловчи аниқловчи ўз аниқланмишидан олдин келса, тожик адабий тилида сифатловчи аниқловчи сифатланмишдан кейин қўлланилади:

<i>зардолуи ширин</i>	-	<i>ширин ўрик</i>
<i>боми баланд</i>	-	<i>баланд том</i>
<i>хонаи дахум</i>	-	<i>ўнинчи уй</i>
<i>дўхтари хушрўй</i>	-	<i>чиройли қиз</i>

2. Қаратқичли аниқловчилардаги тартиб сифатловчи аниқловчилардаги тартибга ўхшайди:

<i>китоби биродарам</i>	-	<i>акамнинг китоби</i>
<i>дафтарҳои шумҳо</i>	-	<i>сизларнинг дафтарларингиз</i>
<i>хонаи ман</i>	-	<i>менинг уйим</i>
<i>гулҳои мо</i>	-	<i>бизнинг гулларимиз</i>

Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамовларнинг кўрсатишича, қадимги туркий тилда тожикча ва арабча изофалар учрамайди, фақат тожикча изофага ўхшаш бирикмалар (аниқловчи аниқланмишдан сўнг келади) борки, улар кейинги

даврларда ишлатилмайди: улуғи хатун – хотинлар улуғи. Бу ҳодиса тадқиқотчилар томонидан қайд этилган.

Ўзбек тилининг оғзаки ва ёзма шаклларида форс-тожикча изофий бирикмаларининг фаол қўлланишини профессор Ф.Абдуллаев ҳам тасдиқлайди.

Эски ўзбек тилининг сўнгги давларига келиб шоир ва ёзувчилар тожикча изофаларга ўхшаш изофаларни ҳам адабий тилга олиб кирдилар. Масалан, Муқимий шеърларида *гўшти балиқ, вақти туш* каби форс тожикча изофалар қўлланганини кўрамиз.

Ултармага қилдим юриш,

Сафдош эди бир читфуруш.

Етдик жадаллаб вақти туш,

Борсак, қизиқ бозор экан

Бу каби изофаларнинг шаклланиши ва адабиётга кириши, биринчи навбатда, форс-тожик тилининг таъсири ҳамда шеърият спецификаси – вазн, қофия талаби билан изоҳланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу хил изофалар таркибида форс-тожик сўзлар билан аслий ўзбекча сўзлар ҳам қўлланган.

Ўзбек тилига тожик тилидан ўтиб ўзлашган изофий бирикмани ташкил этувчи қисмлар фақат тожикча, арабча сўзлардан иборат бўлиши мумкин. Шунингдек, изофий бирикмалар тожикча-арабча, арабча-тожикча каби аралаш ҳолларда ҳам учрайди. Масалан, таркиби тожикча сўзлардан иборат бўлган изофий конструкцияларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: *обидида, кони зиён, базми жамшид, хонаи хушид, бозоршаб, астойдил, шоҳи жаҳон* ва ҳоказо; фақат арабча сўзлардан иборат бўлган изофий бирикмалар: *ҳусни жамол, айни муддао, соҳибжамол, ийди рамазон, амри маъруф, аксари вақт* ва ҳоказо; тожикча-арабча сўзлардан иборат изофий конструкциялар: *дарди бедаво, хонаи олам, чархи фалак, боғи эрам* ва ҳоказо;

арабча-тожикча сўзлардан иборат изофий бирикмалар: *айни замон, куррайи замин, нури дида, садқайи сар, саҳар мардон, фасли баҳор, балойи ногаҳон* ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда изофий бирикма компоненти сифатида туркий сўзлар ҳам учрайди: *онайи зор, садқайи эркак, лофи қуруқ, оби-ёвзон, аҳли турон, тили бийрон, мулки Турон* ва ҳоказо. Бундай бирикмаларни эски ўзбек адабий тилининг сўнгги даврларига хос ёзма ёдгорликларда кенг қўлланганлигини кўрамиз: *вақти туш, гўшти балиқ*. Лекин бундай изофий бирикмалар ҳозирги ўзбек тилида жуда кам бўлиб, спорадик ҳолда учрайди. Изофий бирикма компоненти сифатида ўзбекча сўзларнинг иштирок этиши ўзбек тилида мазкур конструкцияларнинг фаол эканлигидан гувоҳлик беради.

Ўзбек тилига тожик тилидан ўтиб ўзлашган изофий конструкциялар структурасида турли ўзгаришлар содир бўлган:

1. Бирикма компонентларини бир-бирига боғловчи изофа кўрсаткичи *-(й/-ий)* тушиб қолиб, лексикализация ҳодисаси юз берган: *муйи лаб > муйлаб, муйи сафед > муйсафид, кабоби ток > каватак, сурии ток > суртак, ҳалвойи тар > ҳалвайтар, жойи шаб > чойшаб, аз таҳти дил > астойдил, хотири жам > хотиржам, гули тожи хурус > гултожихўроз, бобойи калон > бобокалон, Шаҳри хон > Шархон* ва ш.к.
2. Баъзан изофа белгиси сақланган ҳолда ҳам лексикализация юз берган: *марги муш, Шаҳрисабз, дардисар, мардикор* ва ҳоказо. Бу ўринда изофий белгининг сақланишини қулайлик қонуни билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.
3. Изофа белгиси ўзгармай услубда ўзгачалик содир бўлади, нутққа кўтаринкилик, экспрессивлик бағишлайди: *баҳри дил, дарди бедаво, аксари вақт, шоҳи жаҳон, баҳри муҳаббат, аҳли илм, мардуми Фарғона, мулки Турон* ва ҳоказо.

Ҳозирги ўзбек адабий тили имло қоидаларига мувофиқ изофий бирикмаларнинг ёзилишида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Изофий конструкцияларнинг кўпчилигида бирикма компонентлари ўртасидаги грамматик алоқа йўқолган, сезилмас ҳолга келган. Бундай изофий конструкцияларни имлода қўшиб ёзиш қоидалаштирилган:

- *чойшаб, каватак, астойдил, ҳалвайтар* каби сўзларда изофа кўрсаткичи *-й(-йи)* қўлланмайди, чунки интонацион жиҳатдан орадаги паузанинг йўқлиги туфайли мазкур сўзларнинг изофий бирикма эканлиги умуман сезилмайди.
- *маргимуш, мардикор, Шаҳрисабз, Шаҳрихон, Шоҳимардон, дардисар* каби сўзларда *-и(-йи)* изофий кўрсаткичи сақланган бўлса ҳам, *-и(-ий)* изофий элементининг грамматик восита эканлиги сезилмайди.
- *ризқ-рўз, оби-ёвгон* каби изофий бирикмалар чизикча билан ёзилади.

Ўзбек тилига тожик тилидан ўтиб ўзлашган изофий бирикмаларнинг яна айрим турларида бирикма компонентларининг ажратиб ёзилиши қоидалаштирилган:

- *таржимаи ҳол, оби равон, айна муддао, базми жамшид, оби дида* каби бирикмаларда компонентлар алоҳида ёзилади;
- *фасли баҳор, боғи эрам, кони зиён, дарди бедаво* каби бирикмаларда синтактик алоқа маълум маънода сақланган бўлиб, у изофа элементи *-и(-йи)* орқали эмас, балки сўз тартиби воситасида юзага келади. Бундай бирикмаларда изофа элементи грамматик функция вазифасини ўтамай, бир сўз билан бирикиб лексик birlikнинг ажралмас қисмига айланиб кетган¹;
- айрим изофий бирикмаларнинг изофа кўрсаткичи сақланган ва сақланмаган шакллари параллел равишда ишлатилади: *ризқ-рўз* -

ризқи рўз, соҳибжамол - соҳиби жамол, аксар вақт - аксари вақт, рўйрост - рўйи рост ва ҳоказо. Бундай конструкцияларнинг изофасиз, қисқартирилган варианты, асосан, оғзаки нутққа хосдир.

Хуллас, ўзбек тилига тожик тилидан ўтган изофий конструкциялар тилимизнинг оғзаки ва ёзма турларида маълум шаклларда қўлланиб, семантик-стилистик жиҳатдан ёт элемент сифатида қаралмайди. Балки тилимизнинг структур элементи сифатида луғат бойлигимиздан жой олиб, нутқимиз ифода имкониятларининг кенгайишига олиб келган.

Маълумки, тожик тилида аниқловчи аниқланмишдан кейин келиб изофа деб номланувчи «и» кўрсаткичи билан боғланади. Масалан: *хонаи калон - катта уй, хонаи Аҳмад - Аҳмаднинг уйи*. Лекин тожик тилининг айрим шимолий шеваларида аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиш ҳолатлари ҳам кузатилади:

<i>қалами сурх</i>	<i>сурх қалам</i>	<i>қизил қалам</i>
<i>чойнаки калон</i>	<i>калон чойнак</i>	<i>катта чойнак</i>
<i>мактаби чорим</i>	<i>чорим мактаб</i>	<i>тўртинчи мактаб</i>
<i>гули сурх</i>	<i>сурх гул</i>	<i>қизил гул</i>

Кузатишлар бундай курилмаларнинг Фарғона водийси ва юқори Чирчиқ тожик шеваларида кўп учрашини кўрсатмоқда. Мазкур шевалар ўзбек тили таъсирига энг кўп учраган тожик шеваларидир. Буни В.С.Расторгуева ҳам қайд этган.

Тожик тилидаги изофа қараткич билан қаралмиш ўртасидаги синтактик муносабатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан:

<i>колхознинг раиси</i>	<i>раиси колхоз</i>
<i>Аҳмаднинг уйи</i>	<i>хонаи Аҳмад</i>

ва ҳоказо. Лекин тожик тилининг шимолий шеваларида қараткич қаралмишдан олдин келиб қўлланади:

колхоза раисаш, Аҳмада хонаш.

Аксарият тилшунослар мазкур қурилмани ўзбек тилидан ўзлаштирилган калька деб ҳисоблашмоқда. Чунки бу конструкция, асосан, шимолий шеваларда кенг қўлланиб, жанубий ҳамда жанубий шарқий шеваларда деярли учрамайди. Фақат зиёлилар ёки шимолий Тожикистонда узоқ муддат мобайнида яшаган кишилар нуткида учрайди.

1.3. БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚА ХУЛОСА

1. Ўзбек тилида сўз бирикмаларининг бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра 2 тури мавжуд бўлса, мазкур хусусиятга кўра тожик тилида сўз бирикмалари бга бўлинади.

2. Ўзбек тилида тобе ва ҳоким сўзнинг боғланишига кўра уч тури мавжуд бўлса, тожик тилида қуйидаги тўрт алоқа тури мавжуд:

Алоқаи мувофиқат (мослашув).

Алоқаи ҳамроҳи (битишув).

Алоқаи вобастаги (бошқарув).

Алоқаи изофа (изофий алоқа).

3. Ўзбек тилига тожик тилидан ўтган изофий конструкциялар тилимизнинг оғзаки ва ёзма турларида маълум шаклларда қўлланиб, семантик-стилистик жиҳатдан ёт элемент сифатида қаралмайди. Балки тилимизнинг структур элементи сифатида луғат бойлигимиздан жой олиб, нутқимиз ифода имкониятларининг кенгайишига олиб келган.

4. Тожик тилининг шимолий шевасига мансуб бўлган аҳоли тўлиқ, билингв бўлганлиги ҳамда мазкур иккитиллиликда ўзбек тилининг етакчилик мавқеи сабабли, улар нутқида ихтиёрсиз равишда ўзбек тилига хос грамматик формаларнинг ишлатишига олиб келди. Масалан, Фарғона вилояти тожик шеваларининг грамматик қурилишида ўзбекча қолиплардан фойдаланиш жараёни анча кучли.

5. Тожик тилининг айрим шимолий шеваларида аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Кузатишлар бундай қурилмаларнинг Фарғона водийси ва юқори Чирчиқ тожик шеваларида кўп учрашини кўрсатмоқда. Мазкур шевалар ўзбек тили таъсирига энг кўп учраган тожик шеваларидир.

ИККИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ СОДДА ГАПЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

2.1. Содда гаплар тавсифи

Синтаксиснинг асосий бирлиги гапдир. Гап фикрни шакллантириш, ифодалаш ва баён қилишнинг асосий воситаси, муайян тилнинг қонун-қоидалари асосида шаклланган синтактик бирлигидир.

Гап сўз бирикмасидан кесим ва эга, ёки фақат кесим бўлақларига алоқадор грамматик асосга эгалиги билан фарқ қилади.

Гап таркибидаги сўзлар ҳам маъно томондан, ҳам грамматик томондан ўзаро боғланади. Ўзбек тилида **келишик, эгалик, сон, замон** ва **шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **кўмакчи** ва **боғловчилар** синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади.

Тожиқ тилида эса синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун **изофа, эгалик, сон, замон, шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **олд кўмакчи (предлог), кўмакчи** ва **боғловчилардан** фойдаланилади.

Ҳар икки тилда ҳам айрим ҳолларда сўзлар тартиб ва оҳанг ёрдамида ҳам ўзаро боғланади.

Ҳар бир гап бирор мақсадни – мазмунни ифодалайди. Оғзаки нутқда ана шу мазмунга мос келадиган тугал оҳанг бўлади. Оҳанг айна бир вақтда гапларни бир-биридан ажратиб ҳам туради.

Айна бир содда гапнинг оҳангини ўзгартириш орқалибаъзан уч хил мазмун ифодалаш мумкин: *Бувижоним келдилар.* – *Бувижоним келдилар!* – *Бувижоним келдилар?*

Ҳар бир гапда маълум бир мақсад, ният ёки ҳис-ҳаяжон ифодаланади. Сўзловчи бирор нарса, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар қилади, ёки ўзига номаълум бўлган нарса ва воқеа-ҳодисалар тўғрисида маълумот олишни истайди, тингловчига бирор ишни бажариш бўйича буйруқ хитобини билдиради. Гаплар ана шу мақсадларга кўра турлича курилади: ўзига хос грамматик хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади.

Ўзбек тилида гаплар ифода мақсадига кўра 4 хил:

1. Дарак гаплар

Баҳор ўзи билан кўплаб хурсандчиликлар олиб келди.

Бугун телевизорда жуда чиройли концерт дастури намоёни қилинди.

2. Сўроқ гаплар

Эпчиллар ва чаққонлар мусобоқасида сиз ҳам қатнашасизми?

Қани ким бугунги саволга жавоб топиб келади?

3. Буйруқ гаплар

Сиз ҳам бу китобни ўқиб чиқинг.

Ундан хабар олиб келинг.

4. Истак гаплар

Уни қанчалар соғинганимни билса эди.

Тезроқ идишларни ювиб бўла қолса эди.

Тоҷик адабий тилида эса гаплар ифода мақсадига кўра 3 турлидир:

1. Чумлаҳои ҳикояги (дарак гаплар).

Ў дар 50-60 метр масофа монанди сагмоҳи сари худро аз об яг мебаровард. (С. Айни, Ятим).

У итбалиқ сингари бошини 50-60 метр масофада бир кўтарарди.

Дарахтони бед, гуч, ум ва тут ҳам монанди зардолуҳои баҳорон шукуфазореро ба назарашон ч,илва менамуданд. (С. Айни, Ғуломон).

Тол, гуҷум, тут дарахтлари ўрик каби

Рўзе аз рўзҳои баҳорон куҳистон бо вазидани бодҳои баҳори аз форовони сабзаи навхез монанди дарёи пуроб мавҷ мезад. (С. Айни, Куллийет).

Баҳор кунларининг бирида тоғликларда баҳор шабадаси янги ўсган кўкаламзорларни сув тўла дарё сингари мавжлантларди.

2. Чумлаҳои саволи (сўроқ гаплар).

Барои вай боғча чи даркор? (Ч. Икромӣ, Шоди).

Унга боғча нимага керак?

Сўроқ гаплар икки хил йўл билан ифодаланади:

1. Интонация ёрдамида

Шоқил ўро дар дашт наёфтааст? (С. Айни, Ятим).

Шоқил уни саҳрода тополмади?

2. Сўроқ сўзлар ва юкламалар ёрдамида.

Ана хамин чанд танга? - гуфта пурсидам. (С. Айни, Марги судхўр).

Мана бу нечи танга? – деб сўрадим.

3. Чумлаҳои амри (буйруқ гаплар).

Раиси ба Эргашбедандон нигоҳ карда: - Ту берун баромада ист! – гуфт (С. Айни, Фуломон).

Раис Эргашбедандонга қараб: - Сен ташқарига чиқиб тур! – деди.

4. Чумлаҳои хитоби (ундов гаплар).

Биед, эй, рафикон, дарс хонем!

Ба бекорию нодони намонем! (С. Айни, Куллийет).

Келинлар, эй, дўстлар, дарс қилайлик!

Бекорчилик ва илмсизликда қолмайлик!

Ўзбек тилида гаплар ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра икки турга бўлинади: 1) ҳис-ҳаяжонсиз гаплар; 2) ҳис-ҳаяжон (ундов) гаплар. Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар ҳис-ҳаяжонсиз гаплардир. Булар нутқда кучли

ҳис-ҳаяжонга эга бўлиши билан ҳис-ҳаяжон гапларга айланиши мумкин. Ҳис-ҳаяжон гаплар ундов гап деб ҳам номланади.

Ундов гап фикрни кучли ҳис-ҳаяжон билан ифодаладиган, кучли оҳанг билан айтиладиган гапдир. Улар шодлик, қувонч, суюниш, кўрқув, тантана, таажуб, қайғу, афсусланиш каби турли ҳиссиётларни ифодалайди ва баланд оҳангда айтилиши билан бошқа гап турларидан фарқ қилади.

Вой, қоматингдан онанг ўргилсин! (Абдулла Қаҳҳор)

Саломлашиш-сўрашиш, хайрлашиш сингари ҳолатлар билан боғланган гаплар ҳам юқори оҳанг билан айтилади (*Тўй муборак! Хайр, дўстим!*) ва ундов гаплар ҳисобланади.

Грамматик асосларининг гап таркибида кесимлик миқдорига кўра гаплар содда (бир грамматик асосли) ва қўшма (икки ва ундан ортиқ грамматик асосли)гапларга бўлинади.

Содда гаплар эганинг иштирок этиш ёки этмаслигига кўра икки хил бўлади: эгаси мавжуд гаплар (*Биз янги филмни томоша қилдик*) ва эгасиз гаплар (*Янги филмни томоша қилдик*).

Содда гаплар иккинчи даражали бўлакларнинг иштирок этгани ёки этмаслигига кўра: содда йиғиқ гаплар (*Камола кириб келди*), содда ёйиқ гаплар (*Камола дарвозадан шошилиб кириб келди*)га бўлинади.

Гапда сўзлар ўзаро грамматик муносабатга киришиб, гап бўлакларини ҳосил қилади. Гап бўлаклари вазифасини мустақил сўзларгина бажаради.

Ҳар бир гап бўлаги бошқа гап бўлаклари билан бўлган грамматик муносабатига кўра белгиланади, яъни ҳар бир гап бўлаги ўзи муносабатга киришган сўз билан маълум синтактик алоқада бўлади. Масалан, *Дилдора кечаги учрашув ҳақида завқланиб гапирди* гапида қуйидаги гап бўлаклари мавжуд: *Дилдора* (ким?) – эга, *кечаги* (қачонги? қайси?) – аниқловчи,

учрашув ҳақида (нима ҳақида?) – тўлдирувчи, завқланиб (қай тарзда?) – ҳол, гапирди (нима қилди?) кесим.

Ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам кесим ҳукмни ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини кўрсатувчи энг муҳим бўлакдир. Ҳар икки тилда ҳам кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра икки хил: феъл кесим (*Мо ба сайргоҳ **рафтем** – Биз сайргоҳга **бордик** (Садриддин Айний)*), от кесим (*Садриддин Айни – **нависанда** - Садриддин Айний – **ёзувчи***), ҳамда кесим тузилишига кўра ҳам икки хил: содда кесим (*Ту минбаъд ба пеши Султонпошио **нарав** – Сен ҳеч қачон султонпошонинг олдига **борма** (Садриддин Айний)*) ва мураккаб кесим (*Иморат ба тозаги бино **ёфта будааст** (Садриддин Айний) – Бино янги **қурилган экан***).

Эга ҳам ҳар икки тилда ифодаланишига кўра бир хил.

Иккинчи даражали бўлаклар ўзбек тилидан тожик тилига нисбатан бир қанча фарқ қилади. Бу фарқни асосан аниқловчида кўриш мумкин.

Гапнинг бирор бўлагини аниқлаб келган бўлак аниқловчи дейилади. Аниқловчи аниқлаган (боғлаган) бўлак аниқланмиш ҳисобланади. Аниқловчи нарсa буюмнинг ранг-туси, мазаси, ҳажми, ким ёки нимага қарашлилигини билдиради. Аниқловчиларнинг бир хили нарсa-буюмнинг белгиси (ранги, миқдори, мазаси, ҳажми)ни билдирса, бошқа бир хили нарсa буюмнинг кимга ёки нимага қарашлилигини билдиради. Шунга кўра аниқловчилар иккига бўлинади: 1) сифатловчи аниқловчи; 2) қаратқичли аниқловчи. Масалан, *Янги* (сифатловчи аниқловчи) *бинолар* *қишлоқнинг* (қаратқич аниқловчи) *ҳуснига ҳусн қўшмоқда*. (Шароф Рашидов)

Тожик тилида аниқловчилар ясалиши ва алоқа турига кўра иккига бўлинади: 1) изофаи аниқловчилар (муайянқунандаи изофи); 2) изофасиз аниқловчилар (муайянқунандаи беизофа). Аниқловчи аниқланмишга изофа ёрдамида боғланса изофаи аниқловчи ҳисобланади. *Кўчаи васеъ – кенг кўча*.

Аниқловчи аниқланмишга изофа ёрдамисиз боғланса изофасиз аниқловчи хисобланади. *Беҳтарин талаба – энг яхши талаба.*

Изофали аниқловчилар маъно ва муносабатига кўра 2га бўлинади: муайянқунандаи сифати (сифатловчи аниқловчи): *сахрои васеъ – кенг сахро, биёбони хушк – қуруқ чўл* ва муайянқунандаи соҳиби (қаратқичли аниқловчи) *Хаёли ман аз қафои у парвоз мекард.* (С.Улуғзода) *менинг хаёлим унинг орқасидан учарди.*

Изофасиз аниқловчилар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) Муайянқунандаи сифати (сифатловчи аниқловчи): *Мардуми мо аробаро он вақт беҳтарин нақлиёт медонист.* (М. Турсунзода) – *Бизнинг халқимиз у вақтлар аравани энг яхши транспорт деб билишарди.*
- 2) Муайянқунандаи адади (сонли аниқловчи): *Деҳаи мо аз роҳи оҳан 35 километр дур буд.* (М. Миршакар) – *Бизнинг қишлоғимиз темир йўлидан 35 километр узоқликда жойлашган эди.*
- 3) Муайянқунандаи ишораги (кўрсатқичли аниқловчи): бу аниқловчи кўрсатиш, сўроқ ва гумон олмошлари орқали ифодаланади. *Ин чизҳо барояшон афсона барин менамуд* (С. Улуғзода) – *Бу уларга афсонадек кўринарди.*

Ҳинд-европа тиллар оиласига кирувчи тилларда гап бўлақларининг жойлашиш тартибини кўрадиган бўлсак, S(эга) + Р(кесим) + О(тўлдирувчи)дан иборат. Масалан, рус тилида *я читаю книгу* – айнан *мен ўқияпман китобни*, бу ерда *я – мен, читаю – ўқияпман, книгу – китобни*; Инглиз тилида *I am reading a book*, бу ерда *I am – мен, reading – ўқияпман, a book – китобни*; Немис тилида *Ich lese ein Buch*, бу ерда *Ich lese – мен, ein – ўқияпман, Buch – китобни*; Француз тилида *Je lis un livre*, бу ерда *Je – мен, lis un – ўқияпман, livre – китобни*.

Туркий тиллар оиласига кирувчи тилларда эса S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)дир. Ўзбек тилида *мен китобни ўқияпман*, турк тилида *ben bir kitap okuyorum*, япон тилида *ватакуси ва хон о йомимас*.

Ўзбек тилида гап бўлақларининг жойлашиш тартиби асосан эркин бўлса-да, улар гапда маълум грамматик қоидалар асосида ўринлашади. Одатда, гапда эга ва унга боғланган бўлақлар олдин, кесим ва унга боғланган бўлақлар кейин жойлашади, баъзан аксинчаси ҳам бўлади: *Бу йўллар менга таниш. – Менга таниш бу йўллар.*

Эганинг кўпроқ гап бошида, кесимнинг, асосан, гап охирида (*Мен келдим*), ҳолнинг кесимдан олдин (*оҳиста гапирди*), тўлдирувчининг кесимдан олдин (*шеърни ёд олди*), аниқловчининг эгадан олдин (*қизил гул, дўстимнинг акаси*) жойлашуви одатдаги меъёрий тартибдир.

Тожик тили ҳинд-европа тиллар оиласига киради. Тожик тилидаги гап бўлақларининг жойлашиш тартиби ҳам рус, немис, француз тилларидаги каби S(эга) + P(кесим) + O(тўлдирувчи) бўлиши керак. Лекин тожик тилида гап бўлақларининг жойлашиш тартиби ўзгача. Гап бўлақларининг ўрни асосан аниқ бўлиб, эга одатда гапнинг бошида (*Дигарон ҳам ба ин рафтори вай бо завқ нигоҳ мекарданд* (Ф. Ниёзий) – **Бошқалар** ҳам унинг бу туришига завқ билан қараб туришарди.), ўртада (*Дар як жойи ин саҳро як работи васеъ ба назар менамуд* (Садриддин Айний) – *Бу саҳронинг бир жойида кенг бир дарвоза кўриниб турар эди.*) ва баъзи бир ҳолатларда кесимдан кейин ҳам келиши мумкин (*Куфт ногоҳ кесе дари моро, аз паси он майор шуд пайдо* (М. Турсунзода) – *Бизнинг эшигимизни таққиллатди кимдир*, унинг ортидан бир маёр кўринди). Одатда кесим гапнинг охирида (*Ҳама аз ақиб* *Пўлод рафтанд* -), шеърятда гап ўртасида (*Қитъаҳоро сайр кардам дар ҳавову дар замин – Қитъаларни сайр қилдим ҳаво-ю ерда.*) ва бошида (*Омад аз танг кўчаи қишлоқ – Келди қишлоқнинг тор кўчасидан*) келади.

Тўлдирувчи гапнинг ўртасида (*Шумо ҳамааширо нағз мефаҳмед – Сиз ҳаммасини яхши тушунасиз*), гапнинг бошида (*Шуморо ба суди вич,донатон ҳавола мекунам – Сизни виждонингиз ҳукмига қолдираман*), шеърийда эса гап охирида ҳам келиши мумкин

(Кунун ман худ бигўям бачагонро

Ҳикоятҳои ғамноки ч,аҳонро)

(Бугун мен ўзим болаларга айтайин

Жаҳоннинг ғамгин ҳикояларини)

Кўриниб турибдики, тожик тилидаги гап бўлакларининг жойлашиш тартиби туркий тиллар оиласига кирувчи тиллардаги сингари S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)дир. Бу тожик тили синтактик қурилишига (моделига) ўзбек тилининг таъсирини гапда сўз тартибининг ўзгаришидан яққол кўришимиз мумкин.

3).2.

Содда гаплар доирасидаги таъсир

Генетик ва типологик яқинлик даражаси бир тилнинг бошқа тилга структур таъсири жараёнларининг ўтиш табиати ва ўзлашиш суръатига таъсир қилиши мумкинлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо бу қонуният универсал эмас. Масалан, ўзбек тилида араб, тожик, рус тили каби ноқариндош тиллардан олинган ўзлашмалар миқдори кўп. Худди шунингдек арман ва осетин тилларида ҳам ҳинд-европа тилларига қараганда ибер-кавказ тилларидан олинган ўзлашмаларнинг миқдори кўпроқдир. Инглиз тилидаги роман, румин тилидаги славян элементлари эса мазкур тиллар луғат таркибининг 40-50 %ни ташкил қилади. Чамаси, тил таъсирининг генетик яқинлик даражасига боғлиқлиги жуда орттириб ва соддалаштириб

юборилган. Бу ерда ҳал қилувчи омиллар умуман бошқадир. Улар ичида биринчи ўринни генетик-типологик яқинлик эмас, балки мазкур тилларда сўзловчи халқлар ўртасидаги ҳудудий, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар эгаллайди. Бу ҳақда М.А.Бородина: «Биринчи қарашда қанчалик ғайриоддий кўринмасин, қўшни қариндош тиллар, қўшни ўзга структурали тилларга қараганда тил ўзгаришига камроқ таъсир қилади,»-деб ёзади. У ўз фикрига изох бериб: «Икки ҳар хил системадаги тилларнинг ўзаро таъсири биринчи навбатда мулоқот, ўзаро тушуниш эҳтиёжи билан боғлиқ. Икки қариндош тил бир-бирига қанчалик яқин ва ўхшаш бўлса, сўзловчилар учун улар қисқа амалий мулоқотдан сўнг шунчалик тушунарли бўладик, ўзаро таъсирга ҳеч қандай ҳожат қолмайди.»

Бу эса қариндошлик тилларнинг ўзаро таъсири жараёнларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат сабаблари миллатлараро контактлар табиати ва мазкур алоқалар келтириб чиқарадиган муайян ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқдир.

Тарихда ўзбек тилига, бошқа тилларнинг, айниқса, форс-тожик тилининг таъсири сезиларли бўлган. Бу тилнинг таъсири билан янги сўз бирикмалари (гули раъно, лаъли бадахшон, ва б.) ва эргаш гаплар (Юсуф Хожаким, мусиқийда машҳурдир. Андижонийдур. («Бобурнома»); Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб ичига мағиз солиб қурутурлар, субҳоний дерлар, бисёр мазадур. («Бобурнома».) вужудга келади, боғловчиларнинг қабул қилиниши билан сўзларни ҳамда гапларни бириктиришнинг янги усуллари келиб чиқади.

Ўзбек тилининг ҳозирги тожик адабий тили ва шимолий тожик шеваларига ҳам таъсири сезиларли бўлган. Буни, С.Айнийнинг тожикча асарларида ўзбекча грамматик формаларнинг кенг қўлланиши мисолида ҳам кўрамиз:

Ёр дар хонаю мо гирди жаҳон мегардим,

Об дар кузаю мо таишалабон мегардим. (Дохунда)

Бу мисолда -у, -ю юкламаси тожик адабий тилига оғзаки нутқ орқали ўтган. Бундай формалар ўзбек тили билан алоқада бўлмаган жанубий тожик шеваларида учрамайди.

Ўзбек тилининг шимолий тожик шевалари, жумладан Фарғона тожик шевалари синтактик қурилишига (моделига) таъсири гапда сўз тартибининг ўзгаришида ва сўз бирикмаларининг ўзбекча қолип бўйича қурилишида яққол кўринади.

Маълумки, тожик тилида аниқлик, ноаниқлик, грамматик сон, эгалик категориялари бўлгани ҳолда, келишик категорияси умуман йўқ. Ўзбек тилидаги келишикларнинг семантик, грамматик, стилистик функциялари тожик тилида аналитик усул билан олд кўмакчилар, сўнг кўмакчилар, қаратқичли конструкциялар (изофий бирикмалар) орқали ифодаланади:

Фарғоналик одам – мардуми Фарғона,

Унинг китоби - китоби у,

Ватанни севмоқ - Ватанро нағз дидан (дўст доштан),

Бозорга бормоқ - ба бозор рафтан,

Тошкентдан келмоқ - аз Тошкент омадан,

Шаҳарда яшамоқ - дар шаҳр зиндаги қардан (зистан).

Сўзларни алоқага киритишда грамматик категорияларнинг ўрни алоҳидадир. Тожик адабий тили учун характерли бўлган **ба-** олд кўмакчиси:

а) иш ҳаракатнинг жўнаш ўрнини кўрсатишда қўлланилади ва ҳаракат билан унинг макони ўртасидаги алоқани юзага чиқаради.

Ман ба Париж рафтани шудам.

Мен Парижга бормоқчи бўлдим.

Дамас аз баланди ба поён фурмад.

Дамас тепаликдан пастга тушди.

б) иш ҳаракатнинг предмет ва объект билан алоқасини кўрсатади.

Аз ҳамон дам меҳри бача ба падараи боз ҳам зиёдтар шуд.

Ўша вақтдан бери боланинг меҳри отасига яна ҳам ортиқроқ бўлди.

Асрлар давомида ўзбек ва тожик халқларининг ёнма-ён истиқомат қилиши туфайли келишikli конструкцияларнинг ўзаро таъсири кўзга ташланиб туради. Олд кўмакчилар ҳозирги тожик адабий тилида аксарият ўринларда ўзи боғланган сўздан олдин келса, баъзи шеваларда, жумладан, Риштон шевасида ўзи боғлаган сўздан кейин қўлланиш ҳоллари қоида тусига кириб бормокда:

Ҳозирги ўзбек адабий тили	Шимолий шеваларда	Ҳозирги тожик адабий тили
<i>Мен бозор<u>га</u> бордим.</i>	<i>Ман бозор<u>ба</u> рафтам.</i>	<i>Ман <u>ба</u> бозор рафтам.</i>
<i>Аҳмаджон ҳозир уй<u>да</u>.</i>	<i>Аҳмаджон ҳозир хонан<u>да</u>.</i>	<i>Аҳмаджон ҳоло <u>дар</u> хона аст.</i>

Ҳозирги кунда бундай шаклларнинг ўзбек тилининг грамматик қолипи асосида қўллаш фаоллашиб бормоқда. Бунинг сабаби ўзбек тилининг тожик тилига таъсири билан изоҳланади.

Ҳозирги тожик адабий тилида олд кўмакчилар сўнг кўмакчиларга нисбатан қўлланиш миқдори юқори бўлса, Риштон шевасида бунинг акси, яъни асосан сўнг кўмакчилар қўлланади. Тожикча кўмакчилар билан бир қаторда ўзбек тилидан ўзлашган кўмакчилар ҳам фаол ишлатилади. Масалан: *кати*. *Кати* кўмакчиси ҳозирги тожик адабий тилида ва унинг кўп сонли шеваларида кенг истеъмолда бўлиб *биргалик*, *ҳамкорлик*, *қурол*, *восита*, *пайт*, *ҳолат* каби маъноларни ифодалайди. Функционал-семантик жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *билан* кўмакчисига тўғри келади. Тожик тилидаги *кати* кўмакчисининг келиб чиқиши қадимги туркий тилдаги *қот* кўмакчисига бориб тақалади.

Ман аком кати омадам. Мен акам билам келдим. Шумо қошиқ кати меҳрудми? Сиз қошиқ билан ейсизми?

Қуйидаги кўмакчилар ҳам ўзбек тилидан ўзлашган:

Чети (*четида*, *четига*, *ёнига*, *ёнида*). *Талинкя чети дастурхонба мон. Тарелкани дастурхон четига қўй.*

Туғри (*тўғри*, *рўпара*). *Бит ман туғри шумова инам. Келинг мен сизнинг тўғрингизда ўтирай.*

Ёни - *вели* (*ёнида*, *атрофида*). *Хонаш чойхоная ёни велишанда буд. Уйи чойхона атрофида эди.*

Ўзбекча синтактик қолип бўйича тузилган сўз бирикмалари ҳамда гап қурилишига доир шимолий тожик шеваларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- -ги сифатдоши билан келган аниқловчили бирикмалар: Сел омадаги вақтанда ҳам ҳамин хел бут. Сел келган вақтда ҳам шундай эди;

- -ги сифатдоши билан келган ҳолли бирикмалар: Ангур пухтагинда омада то бегония ангур худа мешиним. Узум пишганда келиб кечгача узум еб ўтирамыз; Унжанда ду маҳ хондагиман, сони а якум класс дуйун классба гузаштам. У ерда икки ой ўқиганман, сўнг биринчи синфдан иккинчи синфга ўтдим;
- инфинитивли бирикмалар: Рафтанба тоқатам намонд. Боришга тоқатим қолмади; Жияк каранба даҳум ғалтаканда будаги ришки мебрават. Жияк қилишга ўнинчи ғалтакдаги ип кетади;
- Сўроқ гапларда сўроқни ифодалашда оҳанг билан бир қаторда -ми сўроқ юкламасини қўллаш: Хунук худитми? Совқотингизми?; Давушаша шунидитми? Овозини эшитдингизми?
- айириш маъносидаги сўроқ гаплар: Унжа нағзми, гандами? У ер яхшими, ёмонми? Аҳмаджон бирафтми, неми? Аҳмаджон кетдимми, йўқми?
- кўчирма гапни гуфтан - гапирмоқ, демоқ феълнинг равишдоши ёрдамида берилиши (гуфта - деб): Сони ман: «сева кучанда тупаланг?» - гуфта ниго кардам. Сўнгра мен: «нега кўчада тўпалон?» - деб қарадим. Ман: «сегап?» гуфта пурсидан. Мен: «Нима гап?» - деб сўрадим;
- дидан - қарамоқ феълнинг ўтган замон сифатдоши формасининг кўмакчи феъл вазифасида келиши -га аффиксини талаб қилади: вай манба дида фарбетар. У менга қараганда семизроқ. Унжа инжава дида хунуктар. У ер бу ерга қараганда совуқроқ. Асал қандба дидагинда ширинтар. Асал қандга қараганда ширинроқ.

2.3. БОБ БЎЙИЧА ҚИСҚА ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилида **келишик, эгалик, сон, замон ва шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **кўмакчи ва боғловчилар** синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади. Тожики тилида эса синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун **изофа, эгалик, сон, замон, шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **олд кўмакчи (предлог), кўмакчи ва боғловчилардан** фойдаланилади.

2. Ўзбек тилида гаплар ифода мақсадига кўра 4 хил:

5. Дарак гаплар

6. Сўроқ гаплар

7. Буйруқ гаплар

8. Истак гаплар

Тожики адабий тилида эса гаплар ифода мақсадига кўра 3 турлидир:

5. Чумлаҳои ҳикояги (дарак гаплар).

6. Чумлаҳои саволи (сўроқ гаплар).

7. Чумлаҳои амри (буйруқ гаплар).

3. Ўзбек тилида ҳам, тожики тилида ҳам кесим ҳукми ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини кўрсатувчи энг муҳим бўлакдир. Эга ҳам ҳар икки тилда ифодаланишига кўра бир хил. Иккинчи даражали бўлаклар ўзбек тилидан тожики тилига нисбатан бир қанча фарқ қилади. Бу фарқни асосан аниқловчида кўриш мумкин. Тожики тилида аниқловчилар ясашиши ва алоқа турига кўра иккига бўлинади: 1) изофали аниқловчилар (муайянқунандаи изофи); 2) изофасиз аниқловчилар (муайянқунандаи беизофа).

4. Ҳинд-европа тиллар оиласига кирувчи тилларда гап бўлаklarининг жойлашиш тартибини кўрадиган бўлсак, $S(эга) + P(кесим) + O(тўлдирувчи)$ дан иборат. Туркий тиллар оиласига кирувчи тилларда эса $S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)$ дир. Тожики тилидаги гап бўлаklarининг

жойлашиш тартиби туркий тиллар оиласига кирувчи тиллардаги сингари S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)дир.

5. Ҳозирги тожик адабий тилида олд кўмакчилар сўнг кўмакчиларга нисбатан қўлланиш миқдори юқори бўлса, Риштон шевасида бунинг акси, яъни асосан сўнг кўмакчилар қўлланади. Тожикча кўмакчилар билан бир қаторда ўзбек тилидан ўзлашган кўмакчилар ҳам фаол ишлатилади.

УЧИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕК ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ

Қўшма гапларнинг боғловчиларсиз шаклланиши барча туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили синтаксиси учун ҳам муҳим хусусият ҳисобланади. XI-XII асрлар ёдномалари синтактик қурилишига назар ташлайдиган бўлсак, бу даврларда мураккаб фикр содда гапларни кетма-кет келтириш орқали ифодаланган. Боғловчисиз қўшма гапларнинг XI аср ёдномалари учун характерли эканлигини Н. Гаджиева ҳам таъкидлаб ўтади. Бундай фикр мулоҳазалар Т. Кордабаевнинг тадқиқотларида ҳам учрайди. У содда гапларнинг кетма-кет келиши орқали мураккаб гап ҳосил қилиниши туркий тилларнинг илк даврлари учун етакчи синтактик хусусият эканлигини айтади. Бу эса туркий синтаксиснинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи муҳим омилдир.

Туркий тиллар синтаксисига оид тадқиқотларда содда гапларнинг синтактик воситалар (равишдош, сифатдош, шарт майли каби) ёрдамида бирикиши туркий тиллар синтаксиси учун муҳим қонуният эканлиги таъкидланади. Шунга кўра, туркий тиллардаги қўшма гапларга нисбатан синтетик қўшма гаплар термини қўлланган. Туркий тиллардаги қўшма гапларнинг ҳинд-европа тиллари учун боғловчилар муҳим грамматик восита бўлса, туркий тиллар учун аналитик воситалар унчалик муҳим эмаслиги кўплаб туркий тилшунослар томонидан эътироф этилган.

Қозоқ тили синтаксиси бўйича тадқиқотлар олиб борган Т. Кордабаев қозоқ тилида эргаштирувчи боғловчилар мавжуд эмаслигини, эргашган қўшма гаплар сифатдош, равишдош, оборотлар асосида вужудга келишини айтади. Г.Гайдаржи гагауз тилида баъзи ҳолатларда қўшма гап қисмлари орасида муносабат айнан боғловчилар орқали ифодаланса, бошқа ҳолатларда

боғловчиларнинг иштироки факультатив характерда бўлишини, бундай ҳолатларда тобеланиш муносабати кесимларнинг бир хил формада бўлиши орқали юзага келишини таъкидлаб ўтади.

Ўзбек тилида боғловчилар қўшма гапларнинг тузилишида энг муҳим восита эканлиги таъкидланган ҳолда, уларнинг ички бўлинишида ҳам боғловчиларнинг иштироки эътиборга олинган (боғланган қўшма гап, эргашган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап каби). Эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам истеъмолда бўлган боғловчиларга эътибор берсак, уларнинг аксарияти бошқа тиллардан хусусан, араб ва форс-тожик тилидан ўзлашган ёрдамчилар ҳисобланади. Бу борада И. Азимов ҳам бошқа туркий тиллардаги каби, ўзбек тилидаги қўшма гапларнинг тузилишида боғловчиларнинг (тенг ва эргаштирувчи боғловчилар каби) мавқеи муҳим эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ғ. Абдурахмонов қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашда иштирок этувчи грамматик воситаларни уч гуруҳга – грамматик воситалар (боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, келишик шакллари), лексик-грамматик воситалар (феъл шакллари), лексик воситалар (гап таркибидаги айрим сўзлар)га ажратади. М.Асқарова ҳам ўзбек тилининг турк тиллари системасидаги айрим тиллардан эргашган қўшма гап қисмларининг боғловчисиз бирикиш йўли устунлиги билан фарқ қилишини, ўзбек тилидаги кўпгина эргаш гаплар бош гапга боғловчисиз – феълнинг турли формалари, кўмакчилар, юкламалар, пайт билдирувчи баъзи отлар ёки равишлар, ўрин келишиклари қўшимчаси, нисбий сўзлар ва баъзи шунга ўхшаш йўллар билан бирикишини айтади. Барибир, қўшма гапларнинг ички таснифида, уларнинг боғланишида тенг ва эргаштирувчи боғловчиларнинг функциясини биринчи ўринга қўядилар. Қўшма гапни тузишда грамматик ва лексик грамматик

воситалар қўлланган ўринларда лексик воситаларнинг роли сусаяди, улар боғловчисиз қўшма гапни тузувчи асосий восита бўлиб хизмат қиладилар.

Битта кесимлик белгисига, мазмуний ва оҳанг тугаллигига эга бўлган гап содда, икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг ўзаро грамматик ва мазмуний муносабатидан ташкил топган ва оҳанг тугаллигига эга бўлган бутунлик қўшма гап саналади.

Қўшма гапни ташкил этган содда гаплар қўшма гап қисмлари саналади. Бу қисмларни боғлаш учун хизмат қиладиган восита эса боғловчи воситалар ҳисобланади. Қўшма гап қисмлари қуйидаги боғловчи воситалар ёрдамида боғланади:

1. Боғловчилар: а) тенг боғловчилар (ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ё, ё..., ё, дам,...дам...); б) эргаштирувчи боғловчилар
2. Боғловчи вазифасидаги воситалар: а) бўлса, эса, деб; б) –у, (-ю), -да, -ки юкламалари; с) нисбий сўзлар; д) шунинг учун, шу туфайли, шу сабабли сингари кўмакчили қурилмалар; е) шарт майли қўшимчаси (-са).
3. Оҳанг.

Қисмларининг қандай боғловчи воситалар ёрдамида боғланишига кўра қўшма гаплар уч гуруҳга бўлинади: 1. Боғланган қўшма гаплар. 2. Эргашган қўшма гаплар. 3. Боғловчисиз қўшма гаплар.

3.2. Боғланган қўшма гаплар

Қисмлари тенг боғловчилар, бўлса, эса сўзлари, -у, (-ю), -да юкламалари ёрдамида боғланган гаплар боғланган қўшма гаплар ҳисобланади.

Бўлса, эса сўзлари боғланган қўшма гап қисмларина боғлаш билан бирга, улар ўртасида қиёслаш ва зидлаш муносабати мавжудлигини ифодалайди. Бўлса, эса сўзлари қиёсланувчи бўлакдан сўнг келади.

Ўзбек тилида таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра боғланган қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади.

1. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар. Бундай қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро *ва*, *ҳамда* боғловчилари, *ҳам*, *-у(-ю)*, *-да* юкламалари ёрдамида боғланади. Бириктирув боғловчиси қўшма гапнинг пайт, сабаб-натижа, муносабатларида бўлган қисмларини боғлаб келади. Қисмлари ўртасида сабаб-натижа муносабати ифодаланган қўшма гапларда иккинчи қисм олдидан натижада сўзини қўйиш мумкин бўлади.

Масалан, *Анор сўзлар ва Зайнаб қалби Тол барғидай дир-дир қалтирар*
- *Анор сўзлар (ва) натижада Зайнаб қалби Тол барғидай дир-дир қалтирар.*
(Ҳамид Олимжон)

-у, (-ю), -да юкламалари ҳам бириктирув боғловчилари бажарган вазифаларни бажаради.

2. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гаплар. Бундай гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро *аммо*, *лекин*, *бироқ* боғловчилари, *-у, (-ю)*, *-да* юкламалари ёрдамида боғланади.

Баъзан зидлик мазмунини кучайтириш учун зидлов боғловчиси ва бу вазифада қўлланган *-у(-ю)* юкламаси бирга ишлатилади.

Масалан: *Кечаси қор ёғди-ю, лекин ҳаво унчалик совимади.*

Зидлов боғловчилари боғланган қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга улар ўртасидаги зидлик муносабати мавжудлигини ҳам ифодалайди. Зидлов боғловчилари қўшма гапнинг иккинчи қисми бошида қўлланади ва қўшма гап қисмлари вергул билан ажратилади.

3. Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар бундай гаплардаги содда гаплар ўзаро айиру боғловчилари *зоҳ...зоҳ*, *ё..ё*, *ёки..ёки*, *баъзан...баъзан*, *дам...дам*, *ёҳуд...ёҳуд* ёрдамида боғланади.

Айирув боғловчилари қўшма гап қисмларини боғлаш билан бирга уларда ифодаланган воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал рўй беришини ёки уларнинг фақат биттасининг юзага чиқишини таъкидлайди.

Масалан: *Гоҳ осмонни тутиб ашула янграр, гоҳ аллақадан танбур товуши эшитилиб қолар эди.*

Ё (ёки) боғловчиси ёлғиз ҳолда ҳам, такрор ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Қолган айирув боғловчилари такрор ҳолда қўлланилади. Ва ёзувда такрор қўлланаётган боғловчидан олдин вергул қўйилади.

4. Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар. Бундай гаплар қисмлари ўзаро *на* инкор юкламаси орқали боғланади ва орасига вергул қўйилади.

Масалан: *На сув бор, на бирон емиш қолибди.*

Тоҷик тилида эса, боғланган қўшма гапларнинг қисмларини бириктирув, айирув ва зидлов боғловчилари боғлайди. Бириктирув боғловчиларига *ва*, *-у*, *-ю* боғловчилари киради. Ўзбек тилида *–у*, *–ю* юкламаар ҳисоблансада, тоҷик тили грамматикасида булар *ва* бириктирув боғловчиси билан бир қаторда турадиган боғловчи ҳисобланади.

Бириктирув боғловчилари воситасида боғланган содда гаплар турли муносабатларни ифодалайди:

1. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеа ҳодисалар тартиб билан айтиб ўтилган. *Акнун барқ намеч, аҳед ва ҳаво ҳам гулдуррос намезад. (С.Айний) – Энди чақмоқ ҳам чақмасди, момақалди роқ ҳам гулдирамасди.*

2. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеа ҳодисалар бир пайтда содир бўлганлигини билдиради. *Онҳо беист гап мезаданду мо гўш мекардем. (Р.Ҷалил) – Улар тўхтиамай гапиришарди ва биз эшитардик.*

3. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеа ходисалар тартиб билан айтиб ўтилганлигини билдиради. *Чай омад, дастурхон нахн гардид ва бар рўи дастурхон нон ва лаъли чоршанбат гузашта шуд ва боз сўҳбат давом кард. (С.Айний) – Чой келди, дастурхон хозирланди, дастурхон устига нон, қизил шарбатлар қўйилди ва суҳбат давом этди.*

у боғловчиси нафақат бириктирув боғловчиси балки зидлов боғловчиси ҳам ҳисобланади. *Мо гуфтемۇ ба гапи мо касе эътибор надод (Р.Ч,алил) - Биз айтдигу, лекин ҳеч ким гапимизга эътибор қилмади.*

Зидлов боғловчиларига аммо, лекин, вале, балки киради. Бу боғловчилар ёрдамида боғланган қўшма гаплар таркибидаги воқеа ходисалар фарқли бўлади ёки уларнинг зидлигидан келиб чиқади. *Номи ҳозирам Гуландон аст, аммо падарам ба ман Зебо ном ниҳада будааст (С.Айний). – Менинг ҳозирги исмим Гуландон, аммо отам Зебо деб чақиради.*

Айирув боғловчилари ё, ё ки, ё ин ки, ё... ё, хоҳ ...хоҳ. бу боғловчилар билан боғланган қўшма гаплардаги воқеа ходисалар бирга ёки бир-бирини алмаштириб бажарилишини ифодалайди. *Лекин чаро гап номезанед, ё магар хобатон омадааст? (С.Айний). – Нимага гапирмаяпсиз, ёки уйқунгиз келдими?*

3.3. Эргашган қўшма гаплар

Қисмлари эргаштирувчи боғловчилар ёки шундай боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида боғланган қўшма гаплар эргашган қўшма гаплар ҳисобланади.

Эргашган кўшма гаплар, таркибида нечта гап бўлишидан қатъий назар, доимо икки қисмдан ташкил топади: 1) бош гап; 2) эргаш гап. Мазмуни изоҳланаётган гап бош гап, бош гап мазмунини изоҳлаётган гап эргаш гап ҳисобланади.

Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар

Эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади: 1) эргаштирувчи боғловчилар; 2) кўмакчили қурилмалар (шунинг учун, шу туфайли, шу сабабли ва бошқалар); 3) юкламалар (-ки); 4) нисбий сўзлар (ким-ўша, нима-шу, қаер-шу ер ва бошқалар); 5) деб сўзи ва бошқалар.

Эргаштирувчи боғловчили эргашган кўшма гаплар

Бош гапда ифодаланган мазмуннинг сабаби, мақсади, шарти ёки қиёсини билдирган эргаш гаплар бош гапга сабаб (чунки, негаки), мақсад (токи), шарт (агар, агарда, башарти, мабодо), қиёслаш-чоғиштирув (гўё, гўёки, худди) эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида боғланади. Сабаб, мақсад, қиёслаш-чоғиштирув боғловчилари эргаш гап бошида қўлланади ва эргаш гап бош гапдан сўнг келади. Бундай вaқтда ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади. Шарт боғловчилари гап бошида келади. Эргаш гап кесими шарт майлидаги феъллар билан ифодаланади. Бундай эргаш гаплар бош гапдан олдин келади. Кўпинча шарт боғловчилари қўлланмаса ҳам, шарт майли шакли кўшма гап қисмларини боғлайверади.

Кўмакчили қурилмалар ёрдамида эргашган кўшма гаплар

Бош гапда ифодаланган мазмуннинг сабабини билдирувчи эргаш гаплар бош гапга шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли сингари кўмакчили қурилмалар воситасида боғланади. Улар бош гап таркибида келади. Масалан: *ёзи билан тинимсиз меҳнат қилдик, шу сабабли мўл ҳосил олдик.*

Деб сўзи ёрдамида боғланган кўшма гаплар

Бош гапда ифодаланган мазмуннинг мақсадини, сабабини билдирувчи эргаш гаплар бош гапга кўпинча деб сўзи ёрдамида боғланади ва эргаш гапларнинг кесими III шахс буйруқ майли шаклидаги феъллар билан ифодаланади. Бундай гаплар таркибидаги деб сўзи учун кўмакчиси билан маънодош саналади, шунинг учун бир-бири билан эркин алмашиша олади. Эргаш гаплар ёзувда вергул билан ажратилади. Масалан: *Ёвлар яксон бўлсин деб, Йигитлар жанг бошлади, Ёвлар қоча бошлади.*

Шарт майли воситасида эргашган кўшма гаплар

Эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланганда, шарт майли кўшимчаси эргаш гапни бош гапга боғловчи восита ҳам саналади. Бундай эргаш гаплар бош гапда ифодаланган мазмуннинг юзага чиқиш ёки чиқмаслик шартини, пайтини билдиради. Ёзувда эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади. Масалан: *Агар дарахт шохлари ёз фаслида сарғайса, куз эрта келади.*

Кўрсатиш олмошили эргашган кўшма гаплар

Бош гап таркибидаги кўрсатиш олмоши маъносини изоҳлаш учун қўлланган эргаш гаплар бош гапга –ки юкламаси ёрдамида боғланади. Бу юклама бош гап кесими таркибида бўлади ва эргаш гап бош гапдан вергул билан ажратилади. Масалан: *Шундай яшайликки, ҳамма ҳавас қилсин.*

Нисбий сўзли эргашган кўшма гаплар

Эргаш гап таркибида қўлланувчи ким, нима, қанча, қанчалик қандай, қаер, каби сўроқ олмошлари ва бош гап таркибида унга жавоб бўлиб келувчи шу, ўша, шунча, шунчалик, шундай каби олмошлар бир-бирига нисбаттан қўлланганлиги, бири иккинчисини тақозо этганлигини учун нисбий сўзлар ҳисобланади. Эргаш гапнинг кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланади. Масалан: *Ким ҳаракат қилса, у барака топади. Кимнинг кўнгли очиқ бўлса, унинг эл ўртасидаги мартабаси улуг бўлади.*

Кесим эргаш гапли қўшма гаплар

Бош гап таркибидаги кесим вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келувчи эргаш гапга кесим эргаш гап дейилади. У бош гап билан биргаликда кесим эргаш гапли қўшма гапни ҳосил қилади.

Кесим эргаш гап бош гапга кўрсатиш олмоши таркибидаги *–ки* юкламаси, ўрин пайт ёки бош келишиқдаги *шу* олмоши ёрдамида боғланади. Масалан: *Қизиги шундаки, шу кўринишига овози мулойим эди.*

Баъзан бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесим туширилади. Масалан: *Яхииси, сен дарсингни тайёрла.*

Тожик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави хабар** деб номланади. Кесим эргаш гап бош гап таркибидаги *ин, он, ҳамин, ҳамон* олмошлари ва дар *ин, дар он, дар ҳамин, дар ҳамон* таркибларини изоҳлайди. Масалан: *Як сабаби харобиш мамлакат дар замони амир ин буд, ки амалдорон ва давлатмандон меҳнаткашонни ўзбек, тоҷик, қазоқ ва туркманро бо якдигарашон ч,анг меандохтанд (С.Айний, Дохунда). – Амир замонида мамлакат қашоқлигининг сабабларидан бири шундаки, амалдорлар ва бойлар меҳнаткаш ўзбек, тоҷик, қозоқ ва туркманларни бир-бирлари билан уруштиришни хоҳлардилар.*

Ўзбек тилидаги кесим эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1.*шуки*,
2.*шу ердаки*,
3.*шудаки*,
4.*шудайки*,

Тожик тилидаги кесим эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *ин* , *ки*
2. *он* , *ки*
3.*ҳамин* , *ки*

4.ҳамон , ки
5.чунин , ки
6.дар ин , ки
7.дар он , ки
8.дар ҳамин , ки
9.дар ҳамон , ки

Эга эргаш гапли қўшма гаплар

Бош гап таркибида эга вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келувчи эргаш гапга эга эргаш гап дейилади. Эга эргаш гап бош гап билан биргаликда эга эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади. Бундай эргаш гап бош гапга нисбий сўзлар (*ким-ўша, нима-ўша ер* каби)ёки бош гап кесими таркибида қўлланувчи *-ки* юкламаси ёрдамида боғланади.

Гап қисмлари нисбий сўзлар ёрдамида боғланганда, эргаш гап кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланилади ва эргаш гап бош гапдан олдин келади. Масалан: *Кимки ёмонлар суҳбатидан қочса, у яхшилар суҳбатига эришади.*

Гап қисмлари *–ки* ёрдамида боғланганда эса эга эргаш гап бош гапдан кейин келади. Масалан: *Сизга аёнки, сиз ўз оилангиздасиз.*

Тоҷик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави мубтадо** деб номланади. Эргаш гап бош гап таркибида эга вазифасида келган олмошни изоҳлаб келади. Масалан: *Ба мо маълум шуд, ки ў ҳамаи моро фиреб додааст (С. Айний). – Шуниси бизга маълум бўлдики, у ҳаммамизга алдаб кетибди.* Эга эргаш гаплар бош гапга *ки* боғловчиси ёрдамида боғланади, *ҳар ки* олмоши қўлланганда эса боғловчи ишлатилмайди. Масалан:

Ҳар ки чу буздил шуду безарда шуд,

Номи вай аз қайд бароварда шуд. (М.Турсунзода).

Ҳар кимки қўрқоқ, қатъиятсиз бўлди

Унинг исми рўйхатлардан чиқарилди. (М.Турсунзода).

Ўзбек тилидаги эга эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Ким*-са, у..... .
2. *Ким*-са, ўзи..... .
3. *Кимки*-са, у..... .
4. *Кимда-ким*-са, у..... .
5. *Нимаки*.....-са, ўша..... .
6. *Нима*-са, ўша..... .
7. *Шуниси*-ки,
8.-ки,

Тожики тилидаги эга эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Ҳар кас ки*, *вай*..... .
2. *Ҳар кас ки*, у..... .
3. *Ҳар чиз ки*, *вай*..... .
4. *Ҳар он чи*, *вай*..... .
5. *ҳар кас ки*....., *вай*..... .
6., *ки*..... .
7. *Ин*, *ки*
8. .. *ҳеч кас*, *ки*
9. *Ҳар ки*,
10. *Он, ки*..... .

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар

Бош гап таркибида тўлдирувчи вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изохлаб келувчи эргаш гапга тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гап билан биргаликда тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапни ташкил этади. Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга нисбий сўзлар ёки бош гап кесими таркибида қўлланувчи —ки юкламаси ёрдамида боғланади. Масалан: *Шуни билингки, ҳар бир янгилик беҳосият бўлмайди.*

Ғап қисмлари нисбий сўзлар ёрдамида боғланганда, эргаш ғап кесими шарт майли шаклидаги феъллар билан ифодаланади ва тўлдирувчи эргаш ғап бош ғапдан олдин келади. Масалан: *Кимда гумонинг бўлса, уни кўздан қочирма.*

Тожиқ тилида бу ғаплар **ч,умлаи пайрави пурқунанда** деб номланади. Бу ғаплар бош ғап маъносини тўлдириб, изоҳлайди. Масалан: *Ман медонистам, ки халтаи меъдаи ҳайвонотро “ишкамба” меноманд (С.Айний, Марғи судхўр) – Мен шуни билардимки, ҳайвонларнинг меъда халтаси “ишкамба(қорин)” деб аталарди(С.Айний, Судхўрнинг ўлими)*

Ўзбек тилидаги тўлдирувчи эргаш ғапли қўшма ғаплар схемаси куйидагича:

1. Шуни –ки,
2. Шундан-ки,
3. Шунга-ки,
4.-ки,
5. Бун.....-ки,
6. Нима(ни).....-са, шуни..... .
7. Кимда.....-са, уни..... .
8. Нима билан.....-са, ўшани..... .

Тожиқ тилидаги тўлдирувчи эргаш ғапли қўшма ғаплар схемаси куйидагича:

1. ҳаминро....., ки
2. инро , ки
3., ки
4.,

Аниқловчи эргаш ғапли қўшма ғаплар

Бош ғап таркибида аниқловчи вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келувчи эргаш ғапга аниқловчи эргаш ғап

дейилади. Аниқловчи эргаш гап бош гап билан биргаликда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап деб юритилади.

Аниқловчи эргаш гаплар бош гапга нисбий сўзлар ёки бош гап кесими таркибида қўлланувчи *–ки* юкламаси ёрдамида боғланади. Масалан: *Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри.*

Тожики тилида бундай гаплар **чумлаи пайрави муайянкунанда** деб номланади. Бу гаплар эга ва бошқа гап бўлаклари вазифасида келган отларни аниқлайди. Масалан: *Он деҳқон, ки аз даҳшати ин фармон ба изтироб омада буд, шитобкорона аз асп фуромадани шуда ба замин ғалтид (С.Айний, Ғуломон) – У (бу фармоннинг даҳшатлигидан изтиробга келган) деҳқон, отдан шитоб билан ерга тушмоқчи эди, йиқилди.*

Ўзбек тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1. *Шундай* *–ки*,
2. *шундай* *–ки*,
3. *шундай*-ни ... *–ки*, *ундай*..... .
4. *шундай (аниқ)*..... *–ки*,
5. *шундай (ҳол)*..... *–ки*,
6. *қайси*..... *–са*, *ўша*

Тожики тилидаги аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1., *ки*.....,
2.-е, *ки*.....,
3. *Ин*....., *ки*.....,
4. *он*....., *ки*.....,

Ҳол эргаш гапли қўшма гап

Бош гап таркибида ҳол вазифасида қўлланган кўрсатиш олмошининг маъносини изоҳлаб келувчи ёки бош гап орқали ифодаланган мазмуннинг

сабаби, мақсади, шарти, пайти, ҳолати, миқдор даражаси кабиларни билдирган эргаш гапларга ҳол эргаш гап дейилади.

Ҳол эргаш гаплар бош гапга нисбий сўзлар, шарт майли шакллари; сабаб, мақсад, шарт боғловчилари; *деб* сўзи ёрдамида боғланади.

Ҳол эргаш гаплар ҳолнинг маъно турларига мувофиқ ўз ичида пайт, ўрин, сабаб, мақсад, шарт, миқдор-даража эргаш гаплар сингари бир неча турларга бўлинади.

Тоҷик тилида бу гаплар **чумлаи пайрави ҳол** деб номланади. Маъно турлари ва вазифаларига мувофиқ ўз ичида тарзи амал, миқдору даража, монанди, макон, замон, мақсад, сабаб, натижа, шарт, ҳилоф сингари бир неча турларга бўлинади.

Пайт эргаш гап

Бош гапдаги иш ҳаракатнинг пайтини билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади. Масалан: *У келгунча, ҳамма тарқалган эди.*

Тоҷик тилида бу гаплар **чумлаи пайрави замон** деб номланади. Бош гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаган вақтини билдиради. Масалан: *Шамол ором нагирифта буд, ки борону барфолуд ба борида даромад (С.Айний, Ятим) - Қор аралаш ёмғир ёға бошлаган пайтда, шамол ҳали тинмаган эди.*

Ўзбек тилидаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1.-ганда,
2.-ган заҳоти,
3.-ган вақтда,
4.-ган пайтда,
5.-ган замон,
6.-гандан кейин,
7.-гунга қадар,
8.-ган эди,

9.-ганича йўқ эди,
10.-ар экан,
11.-са,
12.-масдан аввал,
13.-иб,
14.-гач,
15.-гунча,
16.-май,
17.-иши биланоқ,

Тожик тилидаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1., ки
2. Вақте ки.....,
3. Дар вақте ки.....,
4. Ҳангоме ки.....,
5. Баъд аз он ки.....,
6. Баъди он ки.....,
7. Баъди ин ки.....,
8. Пас аз он ки.....,
9. Пеш аз он ки.....,
10. Ҳамин ки.....,
11. Аз бозе ки.....,
12. Акнун ки.....,
13. Баъд аз он ки.....,
14. Ҳоло ки.....,
15. Ҳар боре ки.....,
16. Ҳар гоҳ ки.....,
17. Ҳар вақт ки.....,
18. Чун.....,

Ўрин эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирган эргаш гап ўрин эргаш гап дейилади. Масалан: *Қаерда интизом кучли бўлса, шу ерда тартиб бўлади.*

Тоҷик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави макон** деб номланади. Бош гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилган маконини билдиради. Масалан: *Ҳар ч,о ки илму дониш бошад, манзили ман ҳам ҳамон аст (С.Улуғзода, Ибни Сино) – Қаерда илм, донишмандлик бўлса, менинг манзилим ҳам ўша ерда.*

Ўзбек тилида ўрин эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1.қаерга ...-са, ўша ерга..... .
2.қаерда ...-са, ўша ерда..... .
3.қайга ...-са, ўша ерда..... .
4.-масин, ўша ерда..... .
5.-манг, у ерда..... .
6.қаерда, шу ерда..... .

Тоҷик тилида ўрин эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. Ҳар ч,о ки.....,
2. Он ч,о ки.....,
3. Дар он ч,о ,
4. Ин ч,о ,
5. Дар ин ч,о.....,
6., куч,о ки.....,

Сабаб эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини билдирган эргаш гап сабаб эргаш гап дейилади. Масалан: *Бу уйлар илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ эди.*

Тоҷик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави сабаб** деб номланади. Бош гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслик сабабини

билдиради. Масалан: *Ин хабар моро бисъёр парешон кард, чунки ман ба вай зиёда омухта шуда будам (С.Айний, Ёддоштҳо)* – бу хабар бизни кўп ўйлантирди, чунки мен унга қараганда кўпроқ аралашгандим.

Ўзбек тилида сабаб эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1., шунинг учун..... .
2.-ганидан,
3.-гани учун,
4.-ганидан кейин,
5.-ганидан сўнг,
6. шекилли,
7.-гунга қадар,
8.-ган бўлса керак,
9.-ми,
10., чунки..... .
11., негаки..... .
- 12.....-масдан аввал,
- 13....., сабабки..... .
- 14.....-гач,
- 15.....шунинг учун.....-ки,
- 16.....-май,
- 17.....-ки,
18.-иб,

Тоҷик тилида сабаб эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1., чунки..... .
2., зеро..... .
3., зеро ки..... .
4., ки..... .
5., кадомки..... .

6. *Азбаски*.....,
7. *Аз сабаби он ки*.....,
8. *Ба сабаби он ки*.....,
9. *Ба сабаби ин ки*.....,
10. *Модом ки*.....,
11.:

Мақсад эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг нима мақсадда юзага келишини билдирган эргаш гап мақсад эргаш гап дейилади. Масалан: *одамлар яхши яшасин деб, тинчликка имзо чекдим.*

Тоҷик тилида бу гаплар **чумлаи пайрави мақсад** деб номланади. Бош гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилиш мақсадини билдиради. Масалан: *Ба зери оташдон ҳезуму хор тикқон, ки дег зудтар чўшад (С.Айний).* - *Ўчоққа тиконли ўтинлардан тикинглар, қозон тезроқ қайнасин.*

Ўзбек тилида мақсад эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1.-деб,
2.-син деб,
3.-ди деб,
4.-ар деб,
5.-са деб,
6.-ми экан деб,
7.-дея,
8. учун,
9., *токи*..... .

Тоҷик тилида мақсад эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1., *то ки*

2., *ки*
3., *то*
4., *то ин ки*
5. *барои он ки*,
6. *барои ин ки*.....,

Шарт эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилганлигини билдирган эргаш гап шарт эргаш гап дейилади. Масалан: *Агар сув бўлса, чўлу-сахролар бўстонга айланади.*

Тоҷик тилида бу гаплар ***ч,умлаи пайрави шарт*** деб номланади. Бош гапдаги иш ҳаракатнинг бажарилиш шартини билдиради. Масалан: *Агар онҳо ёфт шаванд, мо ҳам халос мешавем, агар онҳоро ягон роҳгузар гирифта бурда бошад, мо соати охирини умри худро гузаронида истодаем гуфтан гиред (С.Айний).* –*Агар улар топилса, биз ҳам қутиламиз, агар улар бирор ерга кетишган бўлишса, биз умримизнинг охирги дақиқаларини ўтказаямиз деяверинг.*

Ўзбек тилида шарт эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. (*Агар*).....-са,
2. (*Агар*)..... –са эди,
3. (*Агар*)..... -ганда,
4. (*Агар*)..... –ганда эди,
5. (*Борди-ю*)..... –(а)р экан,
6. (*Мободо*)..... –ган экан,
7. (*Агар*)..... –моқчи экан,
8. -ми,
9., бўлмаса
10., йўқса.....
11.-май,

12.-масдан аввал,

13. бўлай десанг,

14.-синки,

Тожик тилида шарт эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Агар*,

2., *ба шарте ки*

3. *гар*,

4.,

Тўсиқсиз эргаш гап

Бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, унда ифодаланган воқеа-ҳодисанинг юзага келишига тўсиқ бўла олмайдиган фикрни англатган эргаш гап тўсиқсиз эргаш гап дейилади. Масалан: *Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали сўнмаган эди.*

Тожик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави хилоф** деб номланади. Бош гапнинг мазмунига зид бўлади, ёки шундай кўринади. Масалан: *Вай, ҳар чанд дард аз ч,онаш гузашта бошад ҳам, дод нагуфт (С.Айний).* – *оғриқ қанчалик жсонидан зтиб кетаётган бўлсада, у бақирмади.*

Ўзбек тилида тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Қанча*..... –*са ҳам*,

2. *Қанча*.... –*са ҳамки*,

3. –*ганда ҳам*,

4. –*са да*,

5. *гани билан*,

6. *масин*,

7. *қарамай*,

8. *қарамасдан*,

9. *ҳамки*,
10. *–гани ҳолда*,
11. *Хоҳ* *хоҳ*,
12. *–са ...-маса*,
13. *–са ...-дики*,
14. *–са*,

Тоҷик тилида тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. Ҳар чанд,
2. Ҳар чанд ки,
3. Бо вуч,уди он ки,
4. Бо вуч,уди ин ки,
5. Бо ҷ,ои он ки,
6. Агарчи,
7. Агарчанде ки,
8., барчанде
9. бошад ҳам,
10. равад ҳам,
11. сарфи назар аз он ки,

Миқдор-даража эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш миқдор-даражасини билдирган эргаш гап миқдор-даража эргаш гап дейилади. Масалан: *У қанча қизишса, мен шунча совуққон тус олардим.*

Тоҷик тилида бу гаплар ***ҷумлаи пайрави андозаю миқдор*** деб номланади. Бош гапда бажарилган иш ҳаракатнинг қайси андозада ва қанчалик бажарилганлигини билдиради. Масалан: *Абуллохоч,а чунон қоматбаланд буд, ки монандаш дар Бухоро кам дида мешуд. – Абдуллахожи шундай баланд бўйли эдики, Бухорода унга тенг келадиганини топиш қийин.*

Ўзбек тилида миқдор-даража эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1. қанча-са, шунча..... .
2. қанчалик-са, шунчалик..... .
3. қанча-са, шунчалик..... .
4. қанчалик.....-ган сайин, шунчалик..... .

Тожики тилида миқдор-даража эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1., ба андозае ки
2., ба қадре ки
3., чи қадаре ки
4., ба дараҷае ки
5. Ҳар чи қадар ки.....,
6. Ҳар қадар ки....., ҳамон қадар..... .
7., ки..... .

Равиш эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигини билдирган эргаш гап равиш эргаш гап дейилади. Масалан: *Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади.*

Тожики тилида бу гаплар ***чумлаи пайрави тарзи амал*** деб номланади. Бош гапда бажарилган иш ҳаракатнинг қандай тарзда ва қай ҳолат, вазиятда бажарилганлигини билдиради. Масалан: *Дар ҳолате ки ҳудаи дасташро ба оби сард намезад, ғуломон, ятимон, чўпонон ва чорьяккоронашро хар баринкор мефармуд (С.Айний, Ғуломон) – ўзи қўлини сувга ҳам солмасдан, ғуломларни, етимларни, чўпонларни ва чорикорларни ишлатарди.*

Ўзбек тилида равиш эргаш гапли қўшма гаплар схемаси куйидагича:

1.-иб,
2.-май,

3.-масдан,

4. деб,

Тожик тилида равиш эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Дар ҳолате ки*..... ,

2., *бе он ки*

3., *бе ин ки*

4., *ба тавре ки*

5., *ба тарзе ки*

6., *гўё ки*

7., *ки*

Ўхшатиш эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ўхшатиш йўли билан билдирган эргаш гап ўхшатиш эргаш гап дейилади. Масалан: *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди.*

Тожик тилида бу гаплар **чумлаи пайрави монанди** деб номланади. Бош гапда бажарилган иш ҳаракатнинг қандай тарзда бажарилганлигини ташбеҳлар билан изоҳланади. Масалан: *Аз даруни ҳуч,ра садои қисир-қисире, монанди он ки муш чизеро меҳоида бошад, шунида шуд(С.Айний) – Сичқон бирор нарсани чайнагани сингари, уй ичидан қисир-қисир овоз эшитилди.*

Ўзбек тилида ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *каби*,

2. *-дай*,

3.-*сингари*,

4.-*янглиг*,

5. *-ки, гўё*..... .

6.- *ки, худди*..... .

7. *Гўё*.....-*гандай*,

8.дегандек,
9.қандай..... -са, шундай..... .
10.-гунча,
11.-гандан кўра,
12.-ишдан кўра,

Тожик тилида ўхшатиш эргаш гапли кўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. *Чи тавре ки*.....,
2. *Чунон ки*.....,
3. *Ҳамчунон ки*.....,
4., *ба тавре ки*
5., *ба тарзе ки*
6., *монанди он ки*
7., *монанди ин ки*
8., *мисли он ки*
9., *мисли ин ки*
10., *ғўё ки*
- 11....., *ки*

Натижа эргаш гап

Бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини билдирган эргаш гап натижа эргаш гап дейилади. Масалан: *Дўл бир зумда шундай ёғдики, ер оппоқ бўлиб кетди.*

Тожик тилида бу гаплар **ч,умлаи пайрави натиҷ,а** деб номланади. Бош гапда бажарилган иш ҳаракатнинг натижасини изоҳлайди. Масалан: *Вай сездаҳ дафтари садварақаро “ба қайдҳои ч,удогона” баҳшида, сип-сиёҳ карда фиристода буд, ки сўзан задани ч,ои сафед надошт (Р. Ч,алил, Шикасти тилисмот) – У юз варақли дафтардан 13тасини “айрилиқ қайдлари” билан шу қадар тўлдирган эдики, оқибатда игна учи сигадиғанчалик бўш жой қолмади.*

Ўзбек тилида натижа эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1.шундай.....-ки, натижада
2.шу қадар.....-ки, оқибатда
3.шунчалик.....-ки,
4.шу даражада.....-ки,
5.шунча.....-ки,
6.чунон.....-ки,

Тожики тилида натижа эргаш гапли қўшма гаплар схемаси қуйидагича:

1. чунон, ки
2.ҳамчунон, ки
3., ки дар натиҷа,а..... .
4.:

3.4. Боғловчисиз қўшма гап

Таркибидаги содда гаплар мазмунан бир-бири билан боғлиқ бўлиб, махсус боғловчи воситаларсиз, фақат оҳанг ёрдамида боғланган қўшма гаплар боғловчисиз қўшма гаплар саналади. Ҳар икки тилда ҳам боғловчисиз қўшма гап қисмларини ёзувда ажратиш учун вергул, тире, икки нуқта, нуқтали вергул каби тиниш белгилари ишлатилади.

1. Қўшма гап қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа, улар орасига вергул қўйилади. Масалан: *Йигитлар дарахтларнинг остини юмишатдилар, қизлар мактаб ҳовлисини супурдилар.*

Тожики тилида: *Дар ним соат фармон ич,ро ёфт, ба соҳиби ариза аз зер ч,омаи кимхоб нўшонда шуд (С. Айний) – Ярим соат ичида фармон бажарилди, ариза эгасига кимхобдан тикилган зар чопон кийгизилди.*

2. Ўзбек тилида қўшма гап қисмлари орасида ўхшатиш, зидлаш, шарт каби муносабатлар ифодаланганда, улар орасига тире қўйилади. Масалан: *Ҳамал келди – амал келди.*

Тоҷик тилида қўшма гап қисмлари орасида замон, шарт, зидлаш, натижа каби муносабатлар ифодаланганда, улар орасига тире қўйилади: *Субҳ дамад – ба роҳ мебароем. – Тонг отсин – йўлга чиқамиз.*

3. Ўзбек тилида қўшма гап қисмлари орасида изоҳлаш муносабати ифодаланганда, улар орасига икки нуқта қўйилади. Масалан: *Бизнинг қароримиз шу: ҳашарда барчамиз фаол иштирок этамиз.*

Тоҷик тилида қўшма гап таркибига кирувчи содда гаплардан бири иккинчисининг ҳаракатини изоҳласа, мазмунини баён қилса ёки тўлдирса улар орасига икки нуқта қўйилади: *Ман дида истодаам: он се нафар сўҳбаткунон меоянд. – Мен кўриб турибман – у уч киши сўҳбатлашиб келишяпти.*

4. Қўшма гап қисмлари мазмунан унчалик яқин бўлмаган ёки кетма-кет содир бўладиган воқеаларни билдирган ва бир неча тиниш белгилари қўлланган ҳолларда нуқтали вергул ишлатилади. Масалан: *Ҳадича хола болалик чоғидаги сингари унинг белига нон тугиб берди, пешонасидан ўпди, дуо қилди; ирим қилиб ўзи кузатгани чиқмади. (Абдулла Қаҳҳор)*

Тоҷик тилида: *Соҳиб саргарми кор буд, фикрҳо паи ҳам омада ўро ба ҳалли масъали наздик мекарданд; чои пиёлаи дар наздаш истода кайҳо хунук шуда буд. – Соҳиб иш бошида эди, кетма-кет келаётган фикрлар масалани ҳал қилишга жуда яқинлаштирарди; пиялага қўйилган чой аллақачон совиб улгурганди.*

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Контрастив лингвистикада тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари диахрон аспектда эмас, асосан синхрон аспектда ўрганилади.
2. Контрастив лингвистиканинг ўрганиш методлари турли хил бўлиб, кўп ҳолатларда анъанавий тилшунослик методларига мурожаат қилинса ҳам, структур тилшунослик методларидан ҳам фойдаланилади.
3. Контрастив лингвистика типология учун материал йиғиб беради, типология эса контрастив лингвистика йикқан материалнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илм-фан нуқтаи назаридан далиллаб, тушунтириб беради.
4. Контрастив лингвистиканинг умумий масалалари қуйидагилардан иборат:

- турли тиллардаги умумийлик ва хусусийликни кўрсатиш;
- тилни фақатгина ички ўрганишга нисбатан бошқа тиллар билан солиштирилганда эътибордан четда қолиши мумкин бўлган ҳолатлари яхшироқ ўрганиш;
- чет тили фанларини ўргатишни осонлаштириб, интерференция ҳодисасини олдини олиш;
- таржима назарияси учун яхши лингвистик база тайёрлаш;
- типология учун материал йиғиб, универсалияларни кашф қилиш.

5. Контрастив лингвистикада синтактик тадқиқотларда трансформацион яратувчи грамматика ғояларига, келишик грамматикаси, ички ва ташқи структурага, семантик роллар структуранинг пропозиционлиги ва актуаллаштирилган структуранинг ҳар хил турлари (ғоялари)га асосланган моделлар қўлланади.

6. Ўзбек тилида сўз бирикмаларининг бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра 2 тури мавжуд бўлса, мазкур хусусиятга кўра тожик тилида сўз бирикмалари бга бўлинади.

7. Ўзбек тилида тобе ва ҳоким сўзнинг боғланишига кўра уч тури мавжуд бўлса, тожик тилида қуйидаги тўрт алоқа тури мавжуд:

Алоқаи мувофиқат (мослашув).

Алоқаи ҳамроҳи (битишув).

Алоқаи вобастаги (бошқарув).

Алоқаи изофа (изофий алоқа).

8. Ўзбек тилига тожик тилидан ўтган изофий конструкциялар тилимизнинг оғзаки ва ёзма турларида маълум шаклларда қўлланиб, семантик-стилистик жиҳатдан ёт элемент сифатида қаралмайди. Балки тилимизнинг структур элементи сифатида луғат бойлигимиздан жой олиб, нутқимиз ифода имкониятларининг кенгайишига олиб келган.

9. Тожик тилининг шимолий шевасига мансуб бўлган аҳоли тўлиқ, билингв бўлганлиги ҳамда мазкур иккитиллиликда ўзбек тилининг етакчилик мавқеи сабабли, улар нутқида ихтиёрсиз равишда ўзбек тилига хос грамматик формаларнинг ишлатишига олиб келди. Масалан, Фарғона вилояти тожик шеваларининг грамматик қурилишида ўзбекча қолиплардан фойдаланиш жараёни анча кучли.

10. Тожик тилининг айрим шимолий шеваларида аниқловчининг аниқланмишдан олдин келиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Кузатишлар бундай қурилмаларнинг Фарғона водийси ва юқори Чирчиқ тожик шеваларида кўп учрашини кўрсатмоқда. Мазкур шевалар ўзбек тили таъсирига энг кўп учраган тожик шеваларидир.

11. Ўзбек тилида **келишик, эгалик, сон, замон** ва **шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **кўмакчи** ва **боғловчилар** синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилади. Тожик тилида эса синтаксисда сўзларни ўзаро боғлаш учун **изофа, эгалик, сон, замон, шахс-сон қўшимчалари**, шунингдек, **олд кўмакчи (предлог), кўмакчи** ва **боғловчилардан** фойдаланилади.

12. Ўзбек тилида гаплар ифода мақсадига кўра 4 хил:

1. Дарак гаплар
2. Сўроқ гаплар
3. Буйруқ гаплар
4. Истак гаплар

Тожик адабий тилида эса гаплар ифода мақсадига кўра 3 турлидир:

1. Ч,умлаҳои ҳикояги (дарак гаплар).
2. Ч,умлаҳои саволи (сўроқ гаплар).
3. Ч,умлаҳои амри (буйруқ гаплар).

13. Ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам кесим ҳукми ифодаловчи, гапнинг асосий белгиларини кўрсатувчи энг муҳим бўлакдир. Эга ҳам ҳар икки тилда ифодаланишига кўра бир хил. Иккинчи даражали бўлаклар ўзбек тилидан тожик тилига нисбатан бир қанча фарқ қилади. Бу фарқни асосан аниқловчида кўриш мумкин. Тожик тилида аниқловчилар ясаши ва алоқа турига кўра иккига бўлинади: 1) изофали аниқловчилар (муайянқунандаи изофи); 2) изофасиз аниқловчилар (муайянқунандаи беизофа).

14. Ҳинд-европа тиллар оиласига кирувчи тилларда гап бўлақларининг жойлашиш тартибини кўрадиган бўлсак, $S(эга) + P(кесим) + O(тўлдирувчи)$ дан иборат. Туркий тиллар оиласига кирувчи тилларда эса $S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)$ дир. Тожик тилидаги гап бўлақларининг жойлашиш тартиби туркий тиллар оиласига кирувчи тиллардаги сингари $S(эга) + O(тўлдирувчи) + P(кесим)$ дир.

15. Ҳозирги тожик адабий тилида олд кўмакчилар сўнг кўмакчиларга нисбатан қўлланиш миқдори юқори бўлса, Риштон шевасида бунинг акси, яъни асосан сўнг кўмакчилар қўлланади. Тожикча кўмакчилар билан бир каторда ўзбек тилидан ўзлашган кўмакчилар ҳам фаол ишлатилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й

2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010.
4. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Т., «Фан», 1974, б.76
5. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? Т., «Фан», 1972, б.66
6. Абдуллаев Н. Фонетические особенности узбекских говоров Северо-Западного Афганистана. Диссертация на соискание ученой степени канд. фил. наук. Т., 1982;
7. Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Қадимги туркий тил. Т., 1982, б.166
8. Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. ва б.Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т., 2008, б.323
9. Абдурахманов Г.А. К истории развития сложных предложений // Материалы XVI научн. конф. Ташкент, 1967
- 10.Алиев У. Б. Вопросы сложного предложения в русском и тюркском языках. Ч. II. Начальник, 1959.
- 11.Алиев У. Б. Вопросы сложного предложения в русском и тюркском языках. Ч. II. Нальчик, 1959
12. Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Т., “Фан”, 1965
13. Азимов И. Қўшма гап қисмларининг боғланиш усуллари // Ўзбек тили ва адабиёти 2006 йил. №1 53-55 бет
14. Балли Ш. Языкознания и вопросы французского языка.
15. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по языкознанию. В 2 т. М., 1963, т.1., б.384

16. Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков// Учённые записки ИВАН СССР. М., 1952, т.IV, б. 165-200.
17. Боровков А.К. По поводу «иранизации» узбекского языка.// Известия АН Узбекской ССР. 1956, №8 б. 79-92.
18. Бородин М.А. Влияние иноязычных систем на развитие языка. В кн: Вопросы социальной лингвистики. Л.,1969, стр.90;98-99.
19. Вайнрайх У. Одноязычие и многоязычие. Зарубежная лингвистика. Вып. III. М., 1999, б.7-42.
20. Вайнрайх У. Языковые контакты. Киев, 1979, б.263
21. Гаджиева Н. З., Серебренников Б. А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. М., 1986, б. 10
22. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. М., Международные отношения, 1977, б.264
23. Гайдаржи Г. А. Способы подчинения и типы придаточных предложений в гагаузском языке// Советская тюркология. С.1971 №3 С.47
24. Городецкий Б.Ю. К проблеме семантической типологии. Издательство Московского университета, 1969.
25. Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. Т., Фан, 1983, б.168
26. Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Т., Фан, 1985, б.112
27. Грунина Э. А. Некоторые вопросы синтаксиса сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке// исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. М., 1961
28. Джеймс К. Контрастивный анализ // новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. М., «Прогресс», 1989

29. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Қ.1., Душанбе, «Ирфон», 1973.
30. Забони адабии ҳозираи тоҷик. Қ.2., Душанбе, «Ирфон», 1970.
31. Закиев М. Синтаксический строй татарского языка. Казань, 1963. С. 270
32. Зокиров М. Лингвистик интирференция ва унинг ўзбек-тоҷик билингвизмида намоён бўлиши. Фил.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2007.
33. Ёўлдошев Т. Тоҷикистондаги ўзбек шеваларининг морфологик қурилиши. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1968
34. Кордабаев Т.Р. Синтаксис казахского языка на материале XVI-XX веков. Алма-Ата, 1967.
35. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А.Ш. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик – Т.:Тасвир, 2006.
36. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси: (Синтаксис). – Т.:Ўқитувчи, 1995, 31-бет.
37. Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро шевалари. Т., 1969
38. Немзер У. Проблемы и перспективы контрастивной лингвистики// Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Москва, «Прогресс», 1989, б. 128-144.
39. Ниёзмухаммадов Б., Рустамов Ш. Забони тоҷики: (Синтаксис). – Душанбе: Маориф, 1978
40. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск III. Москва, 1963.
41. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. Москва, «Прогресс», 1989.
42. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Т., 1934, стр-34

43. Поцелуевский А.П. основы синтаксиса туркменского литературного языка. Ашхабат, 1943
44. Расторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии: Ленинабадско-канибадамская группа северных таджикских говоров. М., 1956, Вып.3. б.192
45. Раҳмонбердиев К. Ўзбек тил контактлари. Т., «Фан», 1989, б.94
46. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. Л., 1972, б.80
47. Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов. - В кн.: «Новое в лингвистике», вып. VI, М., 1972, б.5-13
48. Розенцвейг В.Ю. Об одном типе синтаксической интерференции. В кн.: Фонетика Фонология Грамматика М., «Наука», 1971, б. 270-277.
49. Рустамов Ш., Каримов А., Аминов С. Забони тоҷики. - Душанбе: Маориф, 1992, 16-бет
50. Сартбаев К. Основные вопросы синтаксиса сложного предложения в современном киргизском языке. АКД. Ашхабат 1970
51. Севертян Э. В. О некоторых вопросах структуры предложения в тюрских языках//Исследования по сравнительной грамматике тюрских языков. III. Синтаксис. М., 1961
52. Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание. М., 2005.
53. Турсунов Ҳ., Мухторов Ж., Раҳматтулаев Ш., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Ўқитувчи, 1975, б.260
54. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи очерклари. Самарқанд, 1969, б.156
55. Убрятова Е.И. Исследования по синтаксису якутского языка: Сложное предложение. Новосибирск, 1976
56. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. Т., 1933, стр-10-11, 22-23

57. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. М.: Высш. шк., 1983;
58. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. М.: Воениздат, 1973;
59. Швейцер А.Д. Теория перевода (статус, проблемы, аспекты). М. "Наука", 1988
60. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Хожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1980, 1-қисм, б.448
61. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность, Л., 1974, б.61-73
62. Чонбашев К.С. Сложные предложения в русском и киргизском языках. Фрунзе, 1968, б.215
63. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро тасири. Т., «Фан», 1974, б.116
64. Ярцева В. Н. Проблема связи языка и общества в современном зарубежном языкознании. М.: Наука, 1968
65. Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика // Язык и общество. М.: Наука, 1981
66. Хожиев А. Лингвистик терминлар изохли луғати. Т., 1985, б.144
67. Ўзбек тили грамматикаси. II т. Синтаксис. Т., «Фан», 1976.
68. Coseriu B. Kontrastive Linguistik und Ubersetzungstheorie ihr Verhaltnis zueinander // Kontrastive Linguistik und Ubersetzungswissenschaft. Munchen, 1981
69. Deny J. Grammaire de la langue turque. P., 1921, 860
70. Di Pietro R.J. Language structures in contrast Rowley, Mass. 1971
71. Filipovic R. The Yugaslav Serbo-Croatian-English contrastive project.-In: Papers in contrastive linguistics, ed. by Gerhard Nickel. Cambridge, 1971
72. Lado R. Linguistics across cultures. Syntactic structures. (Applied linguistics for language teachers). Ann Arbor, 1957.

- 73. www.google.uz
- 74. www.ziyonet.uz
- 75. www.fdu.uz
- 76. www.classes.ru
- 77. www.referat.ru
- 78. www.longsoft.ru
- 79. www.yahoo.com
- 80. www.lenguage.com

ТАДҚИҚОТДА ФОЙДАЛАНИЛГАН АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Айрув боғловчилар	Пайвандакҳои ҷ,удои
Аниқловчи	Муайянкунанда
Аниқловчи эргаш гап	Ҷ,умлаҳои пайрави муайянкунанда
Аниқланмиш	Муайяншаванда
Битишув (алоқаси)	Алоқаи ҳамроҳи
Бириктирув боғловчилар	Пайвандакҳои поиҳам
Бош гап	Сарҷ,умлаҳо
Бошқарув (алоқаси)	Алоқаи вобастаги
Боғланган қўшма гап	Ҷ,умлаи мураккаби пайваста
Боғловчилар	Пайвандакҳо
Буйруқ гап	Ҷ,умлаҳои амри
Дарак гап	Ҷ,умлаҳои ҳикояги
Ёйиқ гап	Ҷ,умлаи соддаи тафсили
Ёйиқ бўлак	Аъзоҳои тафсили
Зидлов боғловчилар	Пайвандакҳои ҳилофи
Эга	Мубтадо
Эга эргаш гап	Ҷ,умлаҳои пайрави мубтадо
Эгасиз гап	Ҷ,умлаҳои бемубтадо

Эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави
Феъл кесим	Хабарҳои феъли
Гап	Ч,умла
Гап бўлаклари	Аъзоҳои ч,умла
Ҳоким бўлак	Тобеъкунанда
Ҳоким гап	Сарч,умлаҳо
Ҳол	Ҳол
Ҳол эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави ҳол
Изофали аниқловчи	Муайянкунандаи изофи
Изофасиз аниқловчи	Муайянкунандаи беизофа
Кесим	Хабар
Кесим таркиби	Хабар
Кесим эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави хабар
Кўмакчи	-----
Мантиқий урғу	Задаи мантиқи
Мақсад ҳоли	Ҳоли мақсад
Мақсад эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави мақсад
Миқдор-даража ҳоли	Ҳоли миқдору даража
Миқдор-даража эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави андозаю миқдор
Мослашув (алоқаси)	Алоқаи мувофиқат
Мураккаб гап	Ч,умлаҳои мураккаб
Мураккаб кесим	Хабарҳои мураккаб
Мураккаб қўшма гап	Ч,умлаҳои мураккаби сертаркиба
Натижа эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави натиҷа
От кесим	Хабарҳои номи
Пайт ҳоли	Ҳоли замон
Пайт эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави замон

Равиш ҳоли	Ҳоли тарз
Равиш эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави тарзи амал
Сабаб ҳоли	Ҳоли сабаб
Сабаб эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави сабаб
Санаш оҳанги	Оҳанги талаффуз
Синтактик алоқа	Алоқаи синтаксиси
Сифатловчи аниқловчи	Муайянкунандаи сифати
Сўз	Калима
Сўз бирикмаси	Ибора
Сўз-гап	Жумлаҳои саволи
Сўроқ гап	Ч,умлаҳои саволи
Тенг алоқа	Алоқаи пайваст
Тенг боғловчилар	Пайвандакҳои пайваста
Тобе алоқа	Алоқаи тобеъ
Тобе сўз	Тобеъ шаванда
Тўлдирувчи	Пуркунанда
Тўлдирувчи эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави пуркунанда
Тўлиқ гап	Ч,умлаҳои пурра
Тўлиқсиз гап	Ч,умлаҳои нопурра
Тўсиқсиз эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави ҳилоф
Ундалма	Мухотаб
Ундов гап	Ч,умлаҳои хитоби
Уюшиқ бўлақлар	Чидааъзоҳо
Йиғиқ гап	Ч,умлаи соддаи ҳуллас
Ўрин ҳоли	Ҳоли макон
Ўрин эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави макон
Ўхшатиш эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави монанди

Шахси маълум гап	Ч,умлаҳои муайяншахс
Шахси номаълум гап	ч,умлаҳои номуайяншахс
Шахси умумлашган гап	Ч,умлаҳои умумишахс
Шахссиз гап	Ч,умлаҳои бешахс
Шарт эргаш гап	Ч,умлаҳои пайрави шарт
Қаратқичли аниқловчи	Муайянкунандаи соҳиби
Юкламалар	Ҳиссачаҳо